БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 95

22 ИЮНЬ СЕШАНБА 1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Москвадаги Тушино аэродромида ҳаво паради (1-нчи бет).

Совет Иттифоқида (1-нчи бет).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ. **Т. Орипов.**—Партком секретарининг нотўғри иш услуби (2-нчи бет).

ТЕАТР. **Х. Кожевников.** — Спектакльнинг қайта тузилиши (2-нчи бет).

Ғ. Нажимов. — Совет халқи — коммунизм ижодкори (2-нчи бет).

Ғўза парваришидаги барча ишларни тез ва юқори сифатли ўтказайлик! Ш. Ҳузанбоев. — Ҳамма далалардаги ғўзаларни бир хилда сифатли парвариш қилайлик (3-нчи бет).

БУТУНИТТИФОҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВИСТАВКАСИНИНГ КАНДИДАТЛАРИ. **К. Мамадалиев.** — Гулистон механизаторлари (3-нчи бет).

С. Нуриддинов. — Ғалла ўрим-йиғимини уюшқоқлик блан ўтказамиз (3-нчи бет).

Ташқи ишлар министрларининг Жанва кенгаши (4-нчи бет).

Хавфсизлик кенгашида (4-нчи бет).

Халқаро муносабатлардаги кескинликни юмшатиш бўйича халқаро конференция (4-нчи бет).

Гватемаладаги воқиаларга доир (4-нчи бет).

Халқ қудратининг буюк кучи

Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм жамиятининг муаззам биносини барпо этмоқда. Халқимизнинг буюк ижодий кучи коммунизм қурилишининг улуғвор вазифаларини муваффақият блан ҳал этмоқда. Буюк куч ва ижодий ташаббусга эга бўлган халқимиз қудрати совет ижтимоий ва давлат тузумимиз мустаҳкамлигининг асоси, барча муваффақиятларимизнинг гаровидир.

Моддий бойликлар вужудга келтирувчи, тарихнинг ҳақиқий яратувчиси, ижодчиси, ҳаракатга келтирувчи кучи бўлган халқ оммаси мўжизалар вужудга келтиришга, эски, капиталистик тузум ўрнига янги, социалистик тузум барпо этишга қодирдир. Халқ оммасининг буюк қудрати социалистик тузум ғалабаларини ҳар қандай агрессордан ҳимоя қилишга, душман кучларининг қутириб қилган атакаларини қайтариб ташлашга, тор-мор келтиришга қодирдир

Совет халқи ижодкор, қуруvчи халқдир. У, тинч ижодий меҳнатни севади, ўз Ватанининг янада гуллаб-яшнаши учун курашади, ҳаётининг фаровон бўлиши учун моддий бойликлар яратади. Коммунистик партия халқнинг йўлбошчиси сифатида унинг моддий ва маданий эҳтиёжларини максимал даражада қондириш тўғрисида, совет халқининг тинч ижодий ҳаёти тўғрисида ҳамиша меҳрибонлик қилади. Шунинг учун ҳам партия тинчликсевар халқимиз ҳаётининг хавфсизлигини та'минлаш учун мамлакатимизни актив мудофаага тайёрлайди. Тарих тажрибаси партия ва ҳукуматимиз томонидан мамлакатимиз мудофаасини тобора мустаҳкамлаб боришга қаратилган сиёсати тўғри эканлигини исботлади.

Бундан 13 йил илгари, 1941 йил 22 июньда тиш-тирноғигача қуролланган немис-фашист қўшинлари бизнинг Ватанимизга хиёнаткорона бостириб кирган эдилар. Улар совет халқининг тинч ижодий меҳнатини бузиб, мамлакатимиз халқлари озодлиги ва мустақиллигини поймол қилмоқчи бўлган эдилар. Немис-фашист босқиччилар совет ижтимоий ва давлат тузуми бўш, СССР халқлари ўртасида низо' чиқиб кетади, деб ҳаёл-қилган эдилар. Аммо аҳвол улар ўйлагандек бўлиб чиқмади. Уруш кунларида бизнинг жонажон Коммунистик партиямиз халқ блан янада қон-қардош бўлиб кетди. Партия ўзининг ташкилотчилик иши блан совет халқининг буюк кучини умумий мақсадга йўллади, мамлакатнинг бутун кучлари ва воситаларини душманни тор-мор келтиришга бўйсундирди. Улуғ Ватан уруши йилларида совет халқининг кўрсатган буюк қаҳрамонликларини тарих ҳеҳ қачон унутмайди. Ватан уруши тажрибаси ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашаётган халқни ҳеҳ қачон енгиб бўлмаслигини исботлади. Совет халқи қаҳри-ғазабига, нафратига учраган фашист қўшинлари мамлакатимиз муқаддас тупроғидан бутунлай суриб чиқарилди.

Совет Армияси фашист агрессорлари устидан тарихий ғалаба қозониш блан бирга, Европа ва Осиё халқларини фашизм асоратига тушиб қолиш хавфидан халос қилди. Иккинчи жаҳон урушида социализм кучларининг фашизм устидан қозонган ғалабаси туфайли социализм ва демократия кучлари ўсди, мустаҳкамланди, қудратли кучга айланди, Европа ва Осиёнинг бирқанча мамлакатларида янги халқ демократияси мамлакатлари вужудга келди. Осиёда тинчлик, демократия ва социализмнинг қудратли таянчи бўлган Хитой Халқ Республикаси барпо этилди. Ҳозирги вақтда тинчлик, демократия ва социализм кучлари мисли кўрилмаган даражада ўсиб кетдиларки, энди бу кучларни енгаоладиган куч дун'ёда йўқ.

Совет халқи урушдан кейинги йилларда ўзининг тинч ижодий ишларини янада ривожлантириб юборди. Уруш етказган жароҳатларни тез фурсат ичида тиклади, халқ хўжалигининг барча тармоқларини олға томон юксалтирди. Уруш етказган жароҳатларни ғоят қисқа муддат ичида шундай тез тиклаб, халқ хўжалигимизни ривожлантириш халқимизнинг нақадар қудратли кучга эга эканлигининг яққол далилидир.

Коммунистик партия совет халқини коммунизмнинг янги-янги ғалабалари сари бошлаб бормоқда. Партиянинг бутун фаолияти халққа, унинг ижодий кучига, ғайратига чуқур ишонч блан тўлгандир. Коммунистик партия ҳаётнинг барча новэ-не'матларини вужудга келтируvчи ишчилар ва деҳқонлар тарихнинг чинакам яратуvчиларидир, деган ҳақиқатга асосланади. Улуғ йўлбошчимиз В. И. Ленин бундай деган эди: «халққа ишонган, жўш урриб турган халқ ижодиёти булоғидан баҳраманд бўлганларгина ғалаба қилаолади ва ҳокимиятни ўз қўлида тутиб қолаолади».

Коммунистик партия коммунизм қуришнинг кенг ва ёруғ йўлларини кўрсатиб бермоқда. КПСС Марказий Комитети сентябрь ва февраль-март Пленумларининг қарорлари, партия ва ҳукуматимизнинг кейинги бирқанча қарорлари совет халқига порлоқ келажак ёўлини, коммунизм йўлини ёритиб турмоқда. Бу қарорлар қишлоқ хўжалигимизда кескин суратда юксалтиришни, 2—3 йил ичида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари блан, енгил саноатни эса хомаш'ё блан етарли миқдорда та'минлашни кўзда тутади.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати томонидан қўйилаётган коммунистик қурилишнинг бундай улуғ вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш фақат халқ ижодий кучларини тўғри ташкил этиш ва сафарбар қилишга боғлиқдир. Фақат ишчилар синфи, меҳнаткаш деҳқонлар ва барча меҳнаткашлар кучини сафарбар этгандагина энг қийин ва мураккаб вазифаларни ҳал этиш мумкин.

Коммунистик партия бизда коммунизм қуриш учун зарур бўлган ҳамма нарса бор, деб та'лим бермоқда ва шу блан бирга коммунизм ижодкори бўлган халқ оммасининг ижодий кучига таяниб жамиятимиз эҳтиёжларини қондириш тадбирларини белгиламоқда. Партия саноат корхоналаридаги, социалистик қишлоқ хўжалигимиздаги новаторлар, пахта усталари, илғорлар тажрибасини, ижодий ташаббусини юзага чиқармоқда, уни халқ хўжалигининг барча тармоқларига тадбиқ этиш чораларини кўрмоқда. Халқ ижодий кучларини халқ хўжалигига тадбиқ этиш, унинг жуда тез юксалишини та'мин этмоқда.

Мамлакатимизда коммунизм қурилиши процессида Совет давлати куч-қудратининг асослари — совет халқи ма'навий-сиёсий бирлиги, халқлар дўстлиги, ҳаётбахш совет ватанпарварлиги ўсмоқда ва мустаҳкамланмоқда, ишчилар синфи блан меҳнаткаш деҳқонлар иттифоқи янада қудратли кучга айланмоқда. Бу кучлар яшар ва тобора мустаҳкамланиб борар экан, бизга ҳарқандай душманлар ҳам, ички душманлар ҳам, ташқи душманлар ҳам хавфли эмас.

Коммунистик партия улуғ Ленининг икки системанинг — социалистик система блан капиталистик системанинг узоқ вақт бирга яшаши ва тинч ёўл блан мусобақа қилиши мумкин эканлиги тўғрисидаги кўрсатмасига амал қилиб, барча мамлакатлар блан тинч ҳамкорлик қилиш, савдо муносабатлари олиб бориш сиёсатини илгари сурмоқда. Совет Иттифоқи халқаро масалалардаги кескинликни юмшатишга қаратилган қатор таклифларни ўртага қўймоқда, Жанва кенгашида Корея ва Ҳиндо-Хитой масаласини ҳал этишнинг энг қулай ва тўғри йўлларини кўрсатмоқда. Совет Иттифоқи атом ва водород бомбаси ва одамларни қўплаб қирадиган қуролларни тақиқлаш ва улар устидан халқаро контроль ўрнатиш таклифларини белгиламоқда. Аммо АҚШдаги реакцион доиралар Совет Иттифокининг бу таклифларини рад этмоқдалар. Улар зўр бериб қуролланмоқдалар, янги урушга тайёрланмоқдалар. Империалистлар тинчлик, демократия ва социализм қудратли кучларидан қўрқиб ғоят актив ҳаракат қилмоқдалар, социализм лагери кучларига нисбатан иғво ва бўҳтонлар тарқатмоқдалар, диверсия ва қўпоруvчилик ишларини олиб бормоқдалар. Буларнинг ҳаммаси Совет Ватанимизнинг мудофаа қувватини, Совет давлати ва унинг Қуролли Кучларини тинмай мустаҳкамлашни талаб этади.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати ташқи сиёсат соҳасида тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш сиёсатини олиб бориш блан кўпмиллатли Совет давлатини янада мустаҳкамлашни, ишчилар синфи блан деҳқонлар иттифоқини, халқлар дўстлигини мустаҳкамлашни, Ватанимиз душманларининг агрессив ҳаракатларига қарши мамлакатимиз актив мудофаасини ҳартомонлама кучайтиришни ўзларининг муқаддас вазифалари деб биладилар.

Коммунистик партия халқ блан мустаҳкам жипслашиб, зўр ишонч блан коммунизм ғалабаси сари бормоқда. Совет халқининг коммунизмга томон ривожланишини тўхтатоладиган, коммунизм қуришга бўлган иродасини синдираоладиган куч дун'ёда йўқ.

Ватанимиз бойликларини яратуvчи, унинг тинчлигини сақлоvчи, коммунизм ме'мори бўлган қаҳрамон совет халқига шон ва шарафлар бўлсин!

Москвадаги Тушино аэродромида ҳаво паради

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари ўз авиацияси блан фахрланадилар ва СССР Ҳаво Флоти кунини умумхалқ байрами қилиб нишонлайдилар. Москвадаги Тушино аэродромида ўтказиладиган ҳаво паради ҳар йилги байрамда асосий воқиа бўлади. Бу йил ҳам 20 июнь якшанба куни аэродром секторларига лиқ тўлиб ўтирган минг-минглаб москвалилар ёрқин, улуғвор, унутилмас ҳаво парадини кўрдилар.

Кундуз соат 12 гача саноқли минутлар қолди. В. П. Чкалов номидаги СССР Марказий аэроклубининг байрам тусида безатилган биноси трибунасига Н. А. Булганин, К. Е. Ворошилов, Л. М. Каганович, Г. М. Маленков, А. И. Микоян, М. З. Сабуров, Н. С. Хрушчев, А. И. Кириченко, Н. К. Пономаренко, Н. М. Шверник, М. А. Суслов, Т. И. Поспелов ўртоқлар. Совет Иттифоқи Маршаллари ва Авиация маршаллари чиқдилар. Тамошабинлар партия ва ҳукумат раҳбарларини самимий табрикладилар.

Қоқ туш пайтида фанфараларнинг «Ҳамманғиз эшитингиз!» деган сигнали янграйди. Совет Иттифоқи Давлат гимнининг мелодияси катта яшил майдон, унинг секторлари устига ёйилади. Артиллерия салюти овозлари гумбурлайди.

Ҳаво паради бошланди. Парадни байроқдор самолётлар очди. Олдинги машинада — В. И. Ленин ва И. В. Сталин портретлари солинган байроқ ҳилпирамоқда. Бошқа самолётлар Ҳарбий-Ҳаво Кучларининг, ДОСААФнинг, ўнлоғлари иттифоқчи республиканинг байроқларини олиб ўтдилар.

СЛАВА КПСС

Мана шу («КПССга шон-шарафлар бўлсин» деган) икки сўзни ДОСААФ учучилари осмонда ЯК—18 самолётлари блан ёзиб ўтдилар. Машиналар ҳулди ердагидек биртекис бўлиб саф тортиб учмоқдалар. Самолётларнинг битта-си ҳам сафдаги текисликни бузмаётир. Қуёшда яқираб турган самолётлар бирбири блан қўшилиб кетиб, туташ чизиқ ҳосил қилганга ўхшайди. Совет Иттифоқи Қаҳрамони Михаленков ва Кузнецк шаҳридан келган ДОСААФчи Поздняков, Москва машинасозлик заводининг токари Дмитриев, Москва илмий-текшириш институтининг конструктори Иванов, Нижний Тагил шаҳридан келган автомеханик Денисов, Пенза аэропортининг диспетчери Лодягин ва бошқалар ҳаво спортчилари учиш маҳоратини а'ло даражада эгаллаганлар.

Ҳаво парадининг биринчи бўлими (раҳбари — Совет Иттифоқи Қаҳрамони, авиация генерал-лейтенанти Н. П. Каманин) армияга, авиацияга ва флотга ёрдамлашучи Кўнгилли жамият учучларининг, планерчиларининг, авиамодельчиларининг муваффақиятларини кўрсатишга бағишланди. Бу бўлимнинг ромашасида ғалати авиация-спорт машқлари жуда кўп бўлди. ДОСААФ а'золари бўлган ишчилар, хизматчилар, студентлар, инженер-техник ходимлар, спорт мастерлари учучилкнинг чинакам са'тини намойиш қилиб кўрсатдилар.

Зангори осмонда учучилардан Дрожжин блан Лавриненконинг спорт самолётлари, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Марина Чечнева бошчилигидаги хотинқизлар учириб бораётган етти машина, ниҳоят, учучи Голованов бошчилигида 24 самолёт пайдо бўлганда ҳам тамошабиндар уларга қойил қолдилар ва уларни олқишладилар. ДОСААФ спортчилари олий пилотажнинг хилма-хил ва ажойиб намуналарини намойиш қилиб кўрсатдилар. Ҳаваскор учучилар бошқариб бораётган самолётлар осмонда виражлар ва спираллар, Нестеров петляари ва яримпетляларини қилдилар, қанотлари орқали умбалақашдилар. Бир ярим бочка. тиккасига умбалақашиш, бочкали петля тикка кўтарилган бочка, вираж вақтида қилинадиган бирқанча бочкалар сингари учиш фигураларини бажармоқ учун учучидан ниҳоят даражада катта маҳорат талаб қилинади.

Ишлабчиқаришдан ажралмай туриб учучилик ишини эгаллаб олган спортчи учучилар тамошабинларни қойил қилдилар. Уларнинг ҳарқайсиси авиация спорти блан қизиқиб шуғулланмоқда. Владимир области Вязники шаҳридан бўлган Дрожжин, Мордва АССР Саранск шаҳридан бўлган Лавриненко, инглиз тили ўқитувчиси Лисин, Суми шаҳридан бўлган Барабанов, Москва заводининг старший мастери Дриго, бинокор-техник Сатина ва ҳаво парадига қатнашган бошқа учучилар ўз маҳоратларини тинмай такомиллаштириб, янгиданянги муваффақиятларга эришмоқдалар.

Самолётлардан кейин осмонда планерлар пайдо бўлганида одатдан ташқари жимжитлик бошланди. Олти планерчи—хизмат кўрсатган спорт мастери Рацевская, Чернишева, Штанова, Абрамов, Есаулов ва Прокофьев Тушино аэродроми тепасида бирнеча минут сузиб юрдилар. Планерлар 500 метргача пасайиб, спираль қилдилар.

Қизил қанотли планер минг-минглаб кишиларнинг диққатини ўзига тортди. У, осмонда тўсатдан пайдо бўлди. Уни автостарт аэродромдан шу қадар зўр куч блан учириб юбордики, планерчи Чеботарев инерция кучи блан бирнеча вақтгача юқорилаб бораверди. Планер 600 метр баландликка кўтарилгандан кейин умбалақашди, Нестеров петлясини қилди, айлана бўйлаб учди. Планернинг автостарт ёрдами блан учиши биринчи марта шу парадда кўрсатилди. Парадагилар яна бир янгиликни — қанот қоқиб учадиган планерни ҳам кўрдилар. Бу планер осмонда бургут каби қанот қоқиб айланиб учди, сузиб бориб пасайди ва яна баландликка кўтарилди. Киев аэроклубининг планерчи инструктори Рудницкий шу планерда учди ва Тушино аэродромининг ўзига қўнди.

Радио орқали учириладиган авиамодельлар СССР Ҳаво Флоти куни байрамида биринчи марта кўрсатилди. Бу авиамодельларнинг ҳаммаси деярлик айни бир вақтда учирилди. Улар 150—200 метр баландликка кўтарилди. Шу модельлар енгил шувиллаб, тўғри бурчак ичида учдилар, чап ва ўнг виражлар, восьмёркалар сингари фигураларни бажардилар. Майор Паняев, авиамодельчилар — жаҳон рекордчиси, спорт мастери Михаил Васильченко, Малик, Хухра, Величковский, Горинин, Шайхудинов радио орқали модельларни бошқариб турдилар. Бу кичкина машиналар қисқа тўлқинли радиостанцияларнинг командаларини аниқ бажариб турдилар, ва, ниҳоят, учиб кўтарилган жойларига бориб қўндилар.

Бизнинг жанговар авиация техникамиз жуда тараққий қилди, ҳарбий учучилар жанговар авиация техникасини моҳирлик блан эгаллаб олдилар. Буни ҳаво парадининг иккинчи бўлими яққол кўрсатди. (Раҳбари — авиация генерал-лейтенанти С. У. Рубанов). Мана, ўқ шаклидаги қируvчи реактив самолёт ўнг томондан жуда катта тезлик блан аэродромга келмоқда. Бу самолётни биринчи класс учучи майор Лапшин учириб келмоқда. Учучи шу самолёт блан Нестеровнинг икки петлясини шўнғиб ва умбалақашиб бажарди, юқорига кўтарилатуриб қўшалоқ бочка фигурасини, тикка умбалақашиш фигурасини бажарди. Бундан кўра тўғирроқ маҳорат бўлиши қийин! Тамошабинлар Лапшининг қируvчи самолётини кўзлари блан кузатиб қолишга улгурмасданоқ, реактив қируvчи самолётлардан иборат икки звено самолётлар осмонда пайдо бўлди. Бу самолётлар подполковник Стеценко ва майор Фокин раҳбарлигидаги учучилар томонидан учирилмоқда эди.

Осмонда беш самолётдан иборат реактив самолётларнинг подполковник Бабаев бошчилигидаги яна бир группаси пайдо бўлди. Бу самолётлар ёнма-ён бўлиб учиб келмоқда. Учучилар шу реактив самолётларда Нестеров петлясини, шўнғиб умбалақашиб қилинадиган петля фигураларини бажардилар... Бу самолётларнинг орасидаги интерваллар шу қадар бир ўлчовдаки, улар шу қадар бир текисда саф тортиб бормоқдаларки, уларни кўрганингизда самолётлар бир-бирига худди боғланиб қўйилганга ўхшайди. Полковник Шульженко раҳбарлигидаги тўққизта қируvчи реактив самолёт ҳам Нестеров петлясини, бошқа бирқанча фигураларни моҳирлик блан бажарди. Совет Иттифоқи Қаҳрамони, полковник Шульженко ҳаво парадларига неча марталаб қатнашган учучи бўлиб, олий пилотажнинг моҳир мастеридир.

Реактив бомбардимончи ва реактив қируvчи самолётлардан иборат колонналарнинг ўтиши парад иккинчи бўлимининг энг ажойиб кўринишларидан бири бўлди. 300 дан кўпроқ самолёт тўққизтадан бўлиб, кетма-кет ўтди. Кумушдек бу оқ машиналар осмонда яшин тезлиги блан ўтиб кетди. Тажрибали учучилардан Совет Иттифоқи Қаҳрамони, полковник Хвостунов, полковник Романов, полковник Постнов, полковник Вишняков, подполковниклар — Трофимов, Келейников ва бошқалар мана шу самолётлар колоннасини бирнеча минут ичида Тушино аэродроми тепасидан учириб ўтказдилар.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони, полковник Ерофеевский раҳбарлигидаги МИ—4 маркали 36 та кучли учар аппаратлар—вертолётлар парадннинг десант бўлимини бошлаб бердилар (раҳбари генерал-лейтенант В. Ф. Маргелов).

Жуда катта ниначиларга ўхшаган бу машиналарнинг аэродром майдони тепасида муаллақ бўлиб турганлигини ва кейин майсазорга қўнганлигини москвалилар жуда қизиқиб тамоша қилдилар. Вертолётлар ерга қўниши блан улар фюзеляжининг орқа томони очилиб кетди. Шундан кейин уларнинг ичидаги тўпзамбараклар ерга туширилабошланди, автотягачлар вертолётларнинг ичидан чиқиб, гизиллаб юриб кетди. Бир нафас ичида тўп-замбарак ортган автомобильлар колоннага тизилиб, аэродром бўйлаб ўтабошлади. Шу тариқа аэродромга десант тушириди. Вертолётлар шу жойнинг ўзидаёқ тиккасига кўтарилиб, звено-звено бўлиб учиб кетдилар. Бу манзарани кўрган тамошабинларнинг қарсаклари аэродромга ёйилди.

Парашютизм — мард ва довюраклар спортидир. Жуда кўп йигитлар ва қизлар парашютизмга қизиқиб, аэроклубларда спортнинг шу хили блан шуғулланмоқдалар, Мард, зийрак бу спортчилар байрамда ўз маҳоратларини намойиш қилдилар — улар парашют блан ўқдай бўлиб тушиш, парашютни 10 секундгача очмай тушиш сан'атини кўрсатдилар.

Бу парашютчилар орасида ўзига хос юбилей ўтказаётганлар ҳам бор эди. В. П. Чкалов номидаги Марказий аэроклуб спортчиси, спорт мастери Калинин бу сафар парашют блан 356-нчи марта сакради. ДОСААФ а'золари бўлган қуйбишевли Смольников, кировоградли парашютчи Банников, ростовли спортчи Мазний, қозонли спортчи Гудина, Серго Оржоникидзе номидаги Москва авиация институтининг студенти Никитина самолётлардан қора-қора нуқталардек бўлиб ажраліб, парашютларни очмай тушабошладилар... Орадан бир нафас ўтиши блан уларнинг ҳарқайсилари ўз парашютларини очиб юборадилар. Бу блан Смольников 403-нчи марта, Банников—320-нчи марта, Мазний — 260-нчи марта парашют блан сакради. Гудина ва Никитина ҳам парашют блан 200 мартадан кўпроқ сакраган.

Ҳар йилгидек бу йил ҳам парадннг охирида ҳаво десанти бўлди. ИЛ—12 маркали ўттиз олтита самолёт 400 метр баландликдан парашютчиларни ташлади. Ранг-баранг юзлаб парашютлар ҳавода яқираб тушабошлади. Сариқ, зангори, қизил, ола-була, кўк, ғунафша, оқ парашютлар бирин-кетин ерга қўнмоқда эди. Бу парашютлар осмондаги худди катта гулдасталарга ўхшарди. Мана шу харбир гулдаста — парашютнинг остида мард спортчи бор. Парашютчилар моҳирлик ва чаққонлик блан ҳаракат қилиб, астасекин ерга тушмоқдалар.

Парад тугади. Тушинодаги ҳаво паради (бош раҳбари — Авиация маршали П. Ф. Жигарев) Ҳаво Флотимизнинг янги муваффақиятларини кўрсатди. Коммунистик партия, Совет ҳукумати бизнинг Ҳаво Флотимизни бун'ёдга келтирдилар ва уни ҳормай-толмай ривожлантирмоқдалар, такомиллаштирмоқдалар. Учучилар, конструкторлар, инженерлар ва ишчиларнинг ажойиб кадрлари ўсиб етишди. Булар авиация техникасини олға силжитмоқдалар. Авиациянинг муваффақиятлари халқ хўжалигининг ютуқлари блан, совет халқи Коммунистик партия раҳбарлиги остида эришаётган ғалабалар блан чамбарчас боғланган.

* * *

Бутун мамлакат СССР Ҳаво Флоти Кунини нишонлади. Шаҳарларда ва қишлоқларда йиғилишлар, лекциялар, суҳбатлар ўтказилди, машқур учучилар блан учрашувлар, халқ сайиллари ташкил қилинди. Кўпгина шаҳарларда спортчи учучиларнинг, парашютчиларнинг мусобақалари ўтказилди.

Байрамни нишонлаб 20 июньда Ватанимиз пойтахти Москвада ва иттифоқчи республикаларнинг пойтахтларида тўплардан йигирма марта ўқ узилиб, салют берилди. (ТАСС).

Совет иттифоқида

Москвада СССР Ҳаво флоти кунига бағишланган тантанали мажлис

19 июньда Москвада ССР Иттифоқи Мудофаа Министрлигининг партия, совет ва жамоат ташкилотлари вакиллари блан биргаликда СССР Ҳаво Флоти Кунига бағишланган тантанали мажлиси бўлди.

Совет Армиясининг генераллари, офицерлари, донги кетган учучилари, пойтахт корхоналарининг ишчилари ва хизматчилари, партия ва совет ходимлари, олимлар ва ёзучилар Горький номли маданият ва истироҳат Марказий паркининг қизил транспарантлар ҳамда чақириқлар блан безатилган Зелёний театрига тўпландилар.

Тантанали мажлисни авиация маршали П. Ф. Жигарев очди.

Ўртоқ Жигарев қаҳрамон совет халқи, Совет Армияси, Ҳарбий-Денгиз ва Ҳаво флотлари шарафига, шонли Коммунистик партия ва Совет ҳукумати шарафига табрик сўзларини айтди.

Шундан кейин, Ҳаво флоти учучиларини ва авиация саноати ходимларини пойтахт меҳнаткашлари номидан КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари Ўртоқ И. Т. Марченко, авиация саноати ходимлари номидан авиация саноати министри ўртоқ П. В. Дементьев, Москва комсомоллари ва ёшлари номидан — ВЛКСМ Москва шаҳар комитетининг секретари ўртоқ М. Ф. Давидов байрам блан қутладилар ва уларнинг бундан кейинги ишларига муваффақият тиладилар. (ТАСС).

СССР ҲУНАРМАНДЧИЛИК КООПЕРАЦИЯСИ СОВЕТИНИНГ МАЖЛИСИ

19 июньда Москвада СССР ҳунармандчилик кооперацияси Советининг мажлиси тамом бўлди. Центропромсовет правлениесининг раиси ўртоқ Петрушев СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг «Кўп исте'мол қилинадиган саноат молларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш тўғрисида» 1953 йил 10 октябрьда чиқарган қарори қандай бажарилаётганлиги ҳақида доклад қилди.

Ўртоқ Петрушев Центропромсовет корхоналари ўтган йили планни муваффақиятли бажарганликларини билдирди. Шу йилнинг беш ойлик плани 105 процент бажарилган. Савдо ташкилотларига кўп миқдорда кенг исте'мол моллари етказиб берилган. Савдо ташкилотлари ўтган йили 1952 йилдагига қараганда тўрт миллиард сўмликдан ортиқ ҳархил моллар олганлар.

Докладда ҳунармандчилик кооперацияси маҳсулот ишлаб чиқариш планини белгиланган ассортимент бўйича бажармаганлигини та'кидлади. Кўп корхоналар паст сифатли моя ишлаб чиқармоқдалар. 1953 йилга мўлжалланган капитал маблағ сарфлаш плани бажарилмаган. (ТАСС).

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА АВТОМАШИНАЛАР

Москвадаги Сталин номли автомобиль заводининг коллективи 19 июньда қишлоқ хўжалигига «ЗИС—150» ва «ЗИС—151» автомобильларини жўнатиш ярим йиллик планини бажарди. Кеча Узоқ Шарққа 50 юк автомобили ва Саратов областига 40 автомашина юборилди.

Завод СССР Тайёрлаш министрлигига ва СССР Совхозлар министрлигига тегишли машиналарни тайёрлаб бериш ярим йиллик планини ошириб бажарди. (ТАСС).

ҚУРИҚ ЕРЛАРДА СПОРТ КОЛЛЕКТИВЛАРИ

КУСТАНАЙ, 18 июнь. (ТАСС). Узункўл районидаги Октябрь МТСига Украина, Москва, Шимолий Кавказ механизаторларидан 200 дан кўпроқ киши келди. Булар орасида спорт ҳаваскорлари ҳам анчагина бор. Улар — «Урожай» кўнгилли спорт жамияти коллективини туздилар. Бу коллективга 150 киши уюшди. Слесарь Улановский коллективга раҳбарлик қилмоқда. Механизаторлар қурган спорт майдончасида футболчилар, волейболчилар ва баскетболчиларнинг учрашувлари ўтказилмоқда.

Янги ўзлаштирилаётган ерлардаги районларда 26 та янги спорт коллективи ўзилди. 500 га яқин волейболчилар командаси ташкил қилинди. Шахматчилар, боксчилар, оғир атлетикачиларнинг бирнеча секциялари ишламоқда. Федоров районидаги ҳарбир ғалла совхозининг ўз стадиони бор.

ЯНГИ ҲОСИЛ ПАХТАСИНИ ҚАЙТА ИШЛАШГА ТАЙЕРГАРЛИК

СТАЛИНОБОД, 18 июнь. (ТАСС). Тожикистоннинг пахта тозалаш саноати янги ҳосил пахтасини қайта ишлашга тайёрланмоқда.

Бу йил заводлар қарийб 170 минг тонна, я'ни ўтган йилдагига қараганда анча кўпроқ пахтани қайта ишлашлари керак. Ҳозир корхоналарда янги ускуналар ўрнатилмоқда. Ленинобод ва Вахш водиси пахта тозалаш заводларида момиқ ажратадиган янги машиналар монтаж қилинаётир, бу эса заводларнинг қувватини 20 процент оширишга имкон беради. Кўрғонтепа заводида янги қувватли пресслар ўрнатилмоқда.

Бирқанча тайёрлаш пунктларида пахтани омборларга жойлаш, қопларга пахта солиш, қопларни автомашиналарга ортиш ишлари тўла равишда машиналаштирилади.

Туркманистон пахтакорларининг вакиллари Тошкент область колхозлари далаларида

Туркманистон ССР пахтакорлари делегациясининг бир группаси Туркманистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Б. Чариев бошчилигида Тошкент областида иш олиб бормода. Туркманистон пахтакорлари Оржоникидзе, Бекобод, Бўка ва Оққўрғон районларидаги колхозларда, шунингдек 1-нчи 2-нчи ва 3-нчи «Далварзин» ҳамда Сталин номидаги 16-нчи совхозларда бўлиб, ғўзаларнинг аҳволи блан муфассал танишдилар.

Бекобод районидаги Дзержинский номли қишлоқ хўжалик артели меҳмонларда яхши таассурот қолдирди. Бу колхозда-ги 46 та далачилик бригадасининг ҳаммасида ишга чиқиш ва тушки овқат соатлари аниқ белгилаб қўйилган. Бригадаларда дала шийпонлари бор, пахтакорлар учун иссиқ овқат ташкил этилган.

Буларнинг ҳаммаси колхозчиларнинг меҳнат унумини оширишга, ғўза парваришини яхшилашга ёрдам беради. Деярлик бутун майдондаги ғўзалар шоналаш даврига кирган. А. Оллоберганов ва А. Ғаппоров бошлиқ бригадаларнинг участкаларида ғўзалар гуллайбошлади.

Оққўрғон районидаги Тельман номли колхозда ўтган йили гектаридан 56 центнердан ҳосил етиштирган М. Қўлдошев бошлиқ звенонинг иши ўзаро текшириш бригадаси а'золарини жуда қизиқтирди.

Звенода ҳамма колхозчиларга муайян ғўза қаторлари бириктиб қўйилган, бу эса ғўзаларни парвариш қилиш ва ҳосил олиш учун мас'улият ҳиссини оширади. Звенода дала ишларининг сифати доимий контроль қилинмоқда.

Туркманистон пахтакорларининг вакиллари ўзаро текшириш вақтида ғўза парваришини уюштиришдаги бирқанча жиддий камчиликларни аниқладилар. Колхозчиларга ғўза парваришини яхшилашга қаратилган амалий маслаҳатлар берилди. (ЎзТАГ).

Ғўза кўсаклади

ОҚҚУРҒОН, (ЎзТАГ). Оққўрғон районидаги Ворошилов номли колхоздаги М. Қаюмов бошлиқ бригаданинг участкасида ғўзалар ўтган йилдагидан ўн кун илгари кўсаклайбошлади. Бригада пахтакорлари гектаридан 45 центнердан ҳосил олиш учун курашиб, ғўзани учинчи марта парвариш қилишга киришдилар, икки марта озиқлантирдилар ва икки марта суғордилар.

СССР Ҳаво флоти кунининг Ўзбекистонда байрам қилиниши

Бутун совет халқи блан бирга Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам СССР Ҳаво Флоти Кунини кенг нишонладилар. Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинатининг фабрикаларида, Ворошилов номли «Ташсельмаш» заводининг цехларида ва шаҳрнинг бошқа корхоналарида совет авиациясининг ютуқлари тўғрисида доклад ва лекциялар бўлди.

20 июньда Округ Офицерлар уйи паркининг ёзги театрида СССР Ҳаво Флоти Кунига бағишланган умумшаҳар тантанали мажлиси бўлди.

Байрам кунида шаҳарнинг маданият ва истироҳат парклари айниқса гавжум бўлди. ДОСААФ ташкилотларининг ишини, ватан авиация техникасининг катта ютуқларини, Улуғ Ватан урушида қатнашган қаҳрамон учучиларни тасвирлайдиган фотоҳужжатлар қўйилган виставкаларни мингларча меҳнаткашлар зўр қизиқиш блан тамоша қилдилар.

Кечқурун шаҳарда байрам салюти берилди. Умумхалқ байрами шарафига оммавий сайиллар бўлди. (ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Партком секретарининг нотўғри иш услуби

От минган киши дала шийпони олдига келиб, отини тўхтатди ва «ҳорма, бор бўл»дан сўнг «Ишлар дурустми?» деб сўради-да, яна йўлида давом этаверди. Йўл-йўлакай сувдан қолган ғўзаларга назар ташлаб, «Бу ғўзаларга тезроқ сув бериш керак» деди.

— Бу ернинг чопиғини қачон тузатасиз, ўт ўраб қолипти-ку, — деб ҳайқирди у, — лекин бригадирнинг жавобини ҳам дурустроқ эшитмай, йўлида давом этди.

— Колхозимизнинг парткоми, — деди 6-нчи бригада бошлиғи Ўртоқ Тоғай Насимов, отлик кишини кўрсатиб, — дала айланиб юripти...

Бу отлик киши чиндан ҳам Охунбобоев номли колхоз бошлағич партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Нортой Ризаев эди. Партком бугун ҳам пахтачилик бригадаларини айланиб чиқди. 1-нчи бригадада ҳам бўлди, 4-нчи бригада даласида ҳам. Ҳарбир бригадага ўтганда:

— Ғўзани тезроқ чопинглар, ўт босиб кетипти! Ёки:

— Сувни яхши қўймабсиз, ишингиз чатоқ, трактор тўхтаб қолмасин, сифатига қаранглар ва ҳоказо деб насиҳатгўйлик қилди.

От устида туриб ана шундай стандарт, тайёр топшириқлар берди, шунга мос «бажарамиз, хўп бўлади» деган жавоблар эшитди... Шу блан кеч кириб ўртоқ Ризаевнинг раҳбарлик фаолияти колхоз идорасида сводкалар устида давом этди.

— Яна ўзгаришнинг мазаси йўқ, — деб шикоятланади колхоз раиси ўртоқ Йўлдош Ҳожиматов.

— 2-нчи участкада ҳам трактор дуруст ишламади, — дейди партком секретари.

Идорада сводкалар йиғилади. МТС ва район ташкилотларига телефон қилинади, майда-чуйда юмуш блан келган кишилар ишларни битириб кетадилар...

Яна эрта блан иш куни бошланадч. Партком секретари ўртоқ Ризаев от устида далада, яна кечаги тайёр саволлар, яна «хўп, бажарамиз» деган жавоблар...

Ўртоқ Ризаевнинг шу кунларда қилаётган ишидан, раҳбарлик методидан уни ҳосилот совети раисими, ёки агрономми деб ўйлайсиз. Агар агроном бўлса, у бригада бошлиғига, далада ишлаётган тракторчига бирор кўрсатма ёки маслаҳат бериши керак эди. Аммо ўртоқ Ризаев бирор марта шундай аниқроқ маслаҳат бергани йўқ-ку. Партком секретари десангиз, бирор агитатор блан сўзлашгани, бирор бригаданинг дала шийпонига тушиб колхозчилар блан бирор темада суҳбатлашгани йўқ. Ёки у колхозчилар, механизаторлар ўртасида социалистик мусобақани кучайтириш тўғрисида ўйламайди, дала шийпонларида қилинаётган иш блан мутлақо қизиқмайди. Далада айланаверади-ю, самарали иш қилмайди.

Колхоз партия ташкилотининг идораси жойлашган кичкинагина хона. Столда бирнеча китоб, брошюралар, токчада бирқанча эски газеталар, расм ва портретлар чанг босиб ётипти. Кираверишдаги эшик олдида партком секретари минадиган отнинг эгар-жабдуқлари...

Камқувват ва қолоқ ҳисобланган бу колхознинг кўп-тармоқли хўжалигига бошчилик қилишда бошлағич партия ташкилоти зиммасига катта вазифалар юкланган. Бошлағич партия ташкилоти ўтган давр учун иш плани тузган. Бунда колхоз ҳаётининг муҳим тармоқлари: чорвачилик, пахтачилик ва бошқа соҳаларнинг ривожланишига оид масалаларни муҳокама қилиш кўрсатилган. Лекин, партия йиғилиши протоколларидан бу масалаларнинг қанчалик юзаки, расмият учунгина муҳокама қилинганлиги кўриниб турипти.

Масалан, колхоз партия ташкилотнинг вазифалари муҳокама қилинган йиғилишнинг бир варақ қоғозга ёзилган протоколида 9 модда бор. Ҳарбир модда: «топширилсин, та'кидлансин» каби стандарт жумлалардан иборат.

Колхозда ўтган 1953 қишлоқ хўжалик йилида ҳам пахта ҳосили камайиб кетди. Ҳар гектар ердан 19 центнердан ҳосил олинди. Коммунистлар бошчилик қилаётган бригадалар ҳам давлат планини бажармадилар, жамоат чорвачилигини ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш плани ҳам бажарилмади. Ферма ишига раҳбарлик қилган коммунист ўртоқ Назаров мас'улиятсизлик кўрсатди. Аммо партия ташкилоти бу муҳим соҳани ривожлантиришга етарли э'тибор бермай, жиддий хатоларга йўл қўйди. Партия йиғилишларида чорвачилик масаласи ишчанлик блан муҳокама қилинмади, камчиликларни йўқотиш тадбирлари белгиланмади.

Партия йиғилишларида партиявий-ташкилий, оммавий-сиёсий ишларни кучайтиришга оид бирор масала муҳокама қилинмади. Йиғилиш протоколларида оммавий-сиёсий ишларни яхшилашга доир бирорта ҳам жумла топилмайди. Аниқроғи, партия йиғилишларида хўжалик вазифаларини юзаки муҳокама қилиш блангина чегараланилган.

Колхоз комсомол ташкилоти каттагина кучга эга. Унинг ҳисобида 40 га яқин комсомол а'зоси бор. Броқ комсомол ташкилотининг иш фаолияти бирор марта партия йиғилишида муҳокама қилинмаган. Ҳолбуки комсомол ташкилотининг ишида кўпгина камчиликлар бор. Еш пахтакорлар мусобақасини уюштириш, далада оммавий-агитация ишига актив қатнашишдан комсомол ташкилоти четда қолмоқда.

1954 қишлоқ хўжалик йилида колхоз а'золари 770 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 25,5 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш тадбирлари белгиланган. Хўш, колхозни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлашда, пахтачиликни ривожлантиришда партия ташкилотининг етакчилик ва раҳбарлик фаолияти қандай? Бу саволга аниқроқ жавоб бўлсин учун шу кунларда колхозда далачилик ишларининг, айниқса коммунистлар бошлиқ бўлган бригадаларда ишнинг боришини кўздан кечирайлик.

Партия ташкилоти ҳисобида турган КПСС а'золаридан Ўртоқ Тоғай Насимов 6-нчи бригадага, ўртоқ Хатамқул Бўрибоев 4-нчи ва Ўртоқ Тошбой Жўраев 1-нчи пахтачилик бригадаларига бошчилик қилмоқдалар. Лекин коммунистлар етакчилик қилаётган бригада ва звеноларда ғўза парвариши дуруст бораётир деб бўлмайди. Ўртоқ Хатамқул Бўрибоев бошлиқ бўлган 4-нчи бригадада ғўзалар парваришдан қолиб, ўт босиб ётипти. 1-нчи ўғитлаш ва суғориш тугалланмаган. Ўртоқ Тоғай Насимов бригадасида ҳам ғўза парвариши юзасидан белгиланган график ҳар доим бажарилмайди, лекин партия ташкилоти бу масалалар блан жиддий шуғулланаётгани йўқ. Коммунистлар бошлиқ бўлган бригадаларда аҳвол партия йиғилишида муҳокама қилинмаган. Коммунистларнинг авангардлигини та'минлашга колхоз бошланғич партия ташкилоти э'тибор қилмаётир.

Оммавий-сиёсий ишларни уюштиришда деворий газетанинг роли каттадир. Лекин колхоз партия ташкилотининг органи «Пахта учун кураш» газетаси 2 ойдан буён чиқарилмаётир. Апрель ойида чиқарилган газетанинг савияси жуда паст, унда бирор жиддий танқидий мақола берилмаган ёки илғорларнинг тажрибалари ёритилмаган. Партия ташкилоти ўз органи деворий газета ишига конкрет раҳбарлик қилмаётир.

Дала шийпонлари яхши жиҳозланмаган ва оммавий-агитация ишлари бевосита дала шийпонларига кўчирилмаган. Ба'зан шу қишлоқдаги еттийиллик мактабнинг ўқитучилари далага чиқиб газета ўқиб берадилар. Шу кунларда эса ўқитучилар ёзги отпускага чиқиб, бу иш ҳам тўхтаб қолди. Социалистик мусобақага бошчилик қилиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш соҳасида ҳам партия ташкилотининг етакчилик ва раҳбарлик роли кўринмайди. Ғўза парваришининг судралиб, ёмон аҳволда қолишига асосий сабаб ҳам шу.

Партиявий-сиёсий ва оммавий-агитация ишлари блан юзаки шуғулланиш фақат бу колхоз партия ташкилоти иши дагина эмас, шу блан бирга район партия комитети, биринчи навбатда МТС зонаси бўйича райком секретари ва инструкторларининг иш услубида, раҳбарлик фаолиятида ҳам жўясиз сурмоқда. Охунбобоев номли колхозга райкомдан ва бошқа ташкилотлардан кўпгина раҳбар ўртоқлар келиб турадилар. Бу вакилларнинг кўпчилиги: «Колхоз раиси қаерда?» — деб гап бошлайдилар. Раҳбар партия ходимлари колхоз партия ташкилотининг иши блан жуда камданкам қизиқадилар.

— Менинг унча саводим йўқ, — дейди ўртоқ Ризаев, — райкомдан келган ўртоқлар иш плани тузиб беришди. Инструктор ўртоқ Бердиев ҳам бир-икки марта иш плани тузиб берган эди, шу план бўйича йиғилишларни ўтказиб турибмиз...

Лекин бу плада ҳамма э'тибор хўжалик ишларига қаратилган. Партиявий-ташкилий ва оммавий-сиёсий ишларга доир муҳим масалалар планга киритилмаган.

1-нчи МТС зонаси бўйича райком инструктори ўртоқ Бердиев шу колхозга биркитилган, аммо унинг иш фаолияти план тузиб беришдан нарига ўтгани йўқ.

Бўка район партия комитетида камҳосилли, қолоқ колхозларнинг партия ташкилотларини мустаҳкамлаш тўғрисида жуда кўп гапирилади. Лекин қолоқ колхозларга раҳбарлик масаласида қарорлар ёзишдан, бу соҳадаги камчиликларни муҳокама қилишдан бошқа самарали иш қилинмаётир.

Охунбобоев номли колхоз партия ташкилоти жиддий ёрдам ва раҳбарликка муҳтож. Партиявий-ташкилий ишларни йўлга қўйиш блан колхоз жамоат хўжалигини ривожлантириш ва айниқса пахтачилик соҳасидаги қолоқликни тугатишга эришиш керак. Район партия комитети партиявий-ташкилий ишларни хўжалик вазифалари блан бирга боғлаб олиб бориши, шу йўл блан КПСС Марказий Комитети сентябрь ва февраль-март Пленумларининг қарорларини тўла амалга оширишни та'минлаш лозим.

Т. ОРИПОВ.

Савдо-сотиқ масалалари шаҳар партия комитети пленумининг муҳокамасида

Олмалиқ шаҳар партия комитетининг навбатдаги пленуми шаҳарда савдо-сотиқ ишларини ривожлантириш масаласини муҳокама қилди. Пленумда савдо тармоқлари ва умумий овқатланиш жойлари анча кўпайганлиги та'кидланди. Қисқа муддат ичида шаҳар меҳнаткашлари учун 60 дан ортиқ янги магазинлар ва 13 та ошхона очилган. Мол обороти ўсган.

Пленумда савдо ташкилотларининг ишида бўлган жиддий камчиликлар ҳам очиб ташланди. Янгидан қурилган кўпқаватли биноларнинг биринчи қаватида магазинлар очиш сусткаштлик блан олиб борилмоқда, ошхона, омбор ва музхоналар қуриш графиги бажарилмаётир.

Қурилиш трестининг ишчилар та'минoти бўлими аҳолининг ўсаётган талабини қондириш тўғрисида кам ғамхўрлик кўрсатмоқда. Шаҳарга янги сабзавот маҳсулотлари келтириш яхши ташкил этилмаган. Магазинларда молларнинг ассортименти етарли эмас.

Шаҳар партия комитетининг пленуми савдо шохобчаларининг ишини яхшилаш, исте'молчиларга маданий хизматни кучайтириш ва савдо ходимлари ўртасида социалистик мусобақани ривожлантириш зарурлигини та'кидлаб қарор қабул қилди.

Н. ГОЛОВИН.

Тошкент область, Ўртачирчиқ районидаги Ворошилов номли колхоз а'золари бу йил 300 гектар қўриқ ва бўз ерни ўзлаштирдилар. Бу ерларга Молотов каналидан сув келтирилди ва 15 метр баландликка сув чиқараоладиган насос станцияси қурилди. Суратда: насос станциясининг умумий кўриниши.

Қ. Розиқов фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

Оҳангарон шаҳрида

ПИОНЕРЛАР ЛАГЕРИ

Шаҳардан 8 километр нарида, энг баҳаво, дарахтзор жойда пионерлар лагери очилди. Лагерьда дам олиш учун бир группа мактаб ўқучилари келди. Улар бу ерда бир ой хушчақчақ дам олдилар.

Пионерлар лагерида бу йил 1 мингга яқин бола дам олади.

ШАХТЁРЛАР УЧУН ДАМ ОЛИШ УЙИ

ВЦСПС секретариатининг қарорига биноан Оҳангарон яқинида шахтёрларнинг дам олиш уйи очилади. Махсус комиссия бўлажак дам олиш уйи ўрнашадиган жойни текшириб, унга сарф бўладиган жиҳозларни ҳисобга олди. Бу дам олиш уйи келгуси йилдан ишлайбошлайди. Унда «Средазуголь» комбинати ва мамлакатимиздаги бошқа кўмир конларининг шахтёрлари дам оладилар.

МЕВАЗОР БОҒЛАР

Кончиларнинг қарийб ҳаммаси ўз ҳовлиларини ва уй атрофларини мевазор боққа айлантирмоқдалар. Фахрий шахтёр С. Богомазов, кўмир разрезининг диспетчери А. Абдурахмонов, разрез план бўлимининг бошлиғи А. Ҳакимов ва бошқа жуда кўп кончиларнинг боғлари шу йилдан бошлаб мева берабошлади.

КОЛХОЗЛАРГА ОТАЛИК ЕРДАМ

Кўмир саноати корхоналарининг коллективлари ўз оталикларидаги Оҳангарон районига катта ёрдам бермоқдалар. Бу йил районнинг МТС ва колхозларида доимий ишлаш учун 90 та мутахассис ва юқори малакали ишчи жўнаб кетди. Оталик қилаётган ташкилотларнинг жуда кўп техниклари қишлоқ хўжалик артели далаларида ёрдам кўрсатиб ишламоқдалар.

Оҳангарон 1-нчи машина трактор станцияси ёрдам қилаётган оталикдаги колхозлар бу йил ўтган йилдагига қараганда полиз ва сабзавот экинларини икки марта кўп экдилар. Шунинг учун улар бу йил колхоз бозорларига ҳарқачонгидан ҳам кўпроқ полиз ва сабзавот маҳсулотлари чиқармоқдалар.

Е. ГОДОВИКОВ.

ТЕАТР

СПЕКТАКЛНИНГ ҚАЙТА ТУҒИЛИШИ

(Самарқанд рус драма театрининг гастрольлари).

Ўзининг ўтган йилги гастрольлари блан пойтахт тамошабинларининг ҳурматига сазовор бўлган Самарқанд рус драма театри яқинда Тошкентга гастрольга келди. Театр коллективи ўз репертуарларини кейинги йилларда янги спектакльлар ҳисобига бойитди. Шулардан энг яхшилари пойтахтда кўрсатилмоқда.

Театр ўзининг бу йилги гастрольларини Б. Ромашовнинг биринчи бешйилликлар даврида яратган «Оловли кўприк» пьесаси блан бошлади. Талантли совет драматургининг бу асари даврлар синовига бардош бериб, ўзининг ҳаётийлиги ва революцион мотивини ҳозирги вақтда ҳам йўқотган эмас. Пьесада рус интеллигенциясининг Октябрь социалистик революциясига бўлган муносабати проблемаси акс этдирилган. «Оловли кўприк» биринчи марта қўйилган вақтдан буён чорак аср вақт ўтди. Бу давр орасида социалистик қурилишнинг катта мактабини ўтган, Улуғ Ватан урушининг оғир синовларига шараф блан бардош берган совет интеллигенциясининг бутун бир янги авлоди ўсиб етишди. Шунга қарамай, пьеса ўзининг бадиий аҳамиятини ва мазмун чуқурлигини ҳали ҳам йўқотгани йўқ.

Драматург Ромашов буржуа адвокати Аркадий Степанович Дубравин образи орқали бутун бир жамият табақасининг тақдирини зўр маҳорат блан тасвирлайди. Буржуа интеллигенцияси революцияга турлича муносабатда бўлади. Улардан айримлари революцияга обивательларча мослашиб олди, айримлари эса Дубравин ва унинг ўтли Геннадийга ўхшаб революциянинг ашаддий душманлари қаторига ўтди. Шунингдек айрим буржуа интеллигентлари эса Дубравиннинг қизи Ирина Дубравинага ўхшаб идеалистик қарашларнинг барча оғир юкларини ва хатоликларини гоят қийинчиликлар блан енгиб, революция томонига ўтди ва унинг буюк моҳиятини тушинди.

Ромашов ўз пьесасида янги пролетар интеллигенциясининг вакилларини ҳам кўрсатди. Хомутов, Штанге, Пориваев сингари коммунистлар, кекса большевик доктор Ямпольский ана шулар жумласидандир. Янги социалистик тузум барпо этучиларнинг образи автор томонидан гоят зўр муҳаббат блан чизиб берилган. Тамошабин пьесадаги воқиаларни кўрар экан, келажакнинг эгалари ана шу кишилар эканлигини очиқ-равшан тушунади ва янги социалистик тузум муқаррар галаба қозонишига ишонч ҳосил қилади.

Пьесадаги адвокат Дубравин образи характерли ва сатирик ҳолатда тасвирланган. Унинг студент мундирини оқ гвардия офицерининг формасига алмоштирган ўғли Геннадий ўтмишнинг жирканчли типларидандир.

Спектакль режиссёри, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ю. Алябьев пьесанинг ғоявий мазмунини тўғри тушунаолган. Авторнинг фикрига мувофиқлашган ҳолда спектакльнинг марказий фигураси бўлиб коммунист Лаврентий Хомутов образи туради. Бу роль артист М. Р. Любанский ижросида гоят ҳаққоний ва табиий чиққан. У ўз тақдирини революция тақдири блан зич боғлаган интеллигентнинг ҳаққоний фигурасини моҳирлик блан яратишга муваффақ бўлган. Хомутов Октябрь революцияси кунларида Москва кўчаларида жанг қилган қизилгвардиячилар отрядининг командири бўлиб ишлайди. У гражданлар уруши йилларида ҳам Совет ҳокимияти учун курашни давом этдиради. Унинг солдатлари Украинада оқгвардиячи ва петлюрачи бандаларни тор-мор этади. Спектакльнинг биринчи ярми давомида Хомутов революциянинг содиқ ва жасур фарзанди сифатида ғавдаланади. Артист Любанский Хомутов ролини зўр маҳорат блан ижро этган. Унинг мард ва жасурлиги, революция ғалабаси йўлида ҳар қандай қийинчиликларни енгишга ҳозир эканлиги артист томонидан ишонтиррали ва ҳаққоний акс этдирилган. Лекин спектакльнинг сўнгги кўринишларида Хомутовнинг тинч қурилиш иштирокчиси, я'ни йирик мудофаа заводининг раҳбари вазифасида ишлаши артист томонидан унчалик муваффақиятли яратилмаган.

Бу нуқсон чорак аср илгари ёзилган пьесанинг ўзидаги айрим камчиликларга ҳам боғлиқдир. Гражданлар урушининг иштирокчиси, партиянинг кекса а'золаридан бирининг жиноий ишга юз ўгириши, я'ни унинг бепарволиги орқасида давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим ҳужжатнинг четэл разведкачиси ва диверсантининг қўлига тушиб қолиши кишини ажаблантирмай қўймайди. Шу каби Хомутовнинг дўсти ва сафдоши чекист Штангеннинг ноаниқ позицияда туриб, бу оғир жиноятни енгилгина кечириб қўяқолиши ҳам тамошабинни ишонтираолмайди.

Оқгвардиячи Геннадий ролини ижро этган ёш артист Е. И. Шаховнинг маҳорати диққатга сазовордир. Шахов ўз қаҳрамонининг психологиясига чуқур кириб бораолган. Революция олдида вақимага тушиб қолган Геннадий ўз жиноятларини ошкора қилиб қўяди. Тамошабин бу эркатой, енгилтак офицерни унинг енгил, ма'носиз турмуш йўлида ҳарқандай байроқ остида туриб жанг қилишга тайёр бўлган бетайин бир шахс эканлигини яхши англаб олади. Шахов пропоршиклар мактабини тамомлаган оқгвардиячи урушқоқнинг баланд парвоз иборалари ва олифтанамолигини, унинг ички заифлиги ва ўз кучига ишончсизлигини, ниҳоят унинг Донга, генерал Камди олдига ва кейинчалик четэлга қочиб, хоинлик ва жосуслик ботқоғига ботиб, қўрқиб ва ваҳимага тушиб келганлигини яққол кўрсатаолган.

Артистлардан А. Зиновьев ва Бробошколар петлюрачи босқинчи урушқоқларнинг мунофиқ образларини ишонарли яратаолганлар. Артист Зиновьев ижро этган Кутякнинг образи ўз мужассамлиги блан эсда қолади. Зиновьев бу қулоқ сарқитининг жирканч башарасини усталик блан фош этади.

Артист Н. Мартинова (Ирина Дубравина) тамошабиннинг кўз олдида революцион воқиаларни гоят самимият блан тушинишга интилучи ,революция ишига виждонан хизмат қилучи киши сифатида ғавдаланади. Артист ўз ролини ижро этар экан, Иринанинг аста-секин янги жамият қуручилар сафига олиб келган ма'наний ўсиш процессларини ёрқин кўрсатаолган.

Артист И. Ершов адвокат Дубравин ролини муваффақиятли ижро этган. Айниқса карта ўйини воқиасини Ершов жуда усталик блан тасвирлайолган. Кадет Дубравин қурук ва'зхонлик қилиб озодлик, демократия ва шахснинг ҳуқуқлари тўғрисида «юксак» мулоҳазалар юритади. Либерал вайсақилик Ершов — Дубравинга карта комбинацияларини ва ўз шериклларининг ўйинини зийраклик блан кузатишга халал етказмайди. Шу каби демогогик йўлларга одатланган тоқиннинг ҳаракатлари ва Дубравининг ўз маҳмаданалик блан гердайиш қобилияти ҳам актист томонидан усталик блан очиб берилган.

Петя Стрижиков Н. Балаевнинг ижросида бирмунча бўш ва сохта чиққан.

Шунингдек Кузьма Пориваев образи ҳам артист В. Малашенко ижросида муваффақиятли чиқмаган. Бу артистнинг та'сирсиз ва қуруқ ўйини тамошабинда чуқур таассурот қолдирмайди. Пориваев образи эса автор томонидан ниҳоятда зўр ихлос блан пухта ёзилган. Бу ёш ишчи йигит революция ишига жон-дили блан берилган. Пориваев фикр доирасининг ниҳоятда кенг бўлиши блан Треневнинг «Любовь Яровая» пьесасидаги матрос Шванди образига яқин туради. Пориваевнинг ғайрат ва жасорати, унинг зўр ақл-идроклилиги, ёшлик ғурури ва шу каби олижаноб сифатларнинг ҳаммаси ижрочи томонидан четда қолдирилган.

Лекин бу жуз'ий камчиликлардан қат'ий назар, умуман олганда, спектакль муваффақиятли чиққан. Тошкент тамошабилари «Оловли кўприк» спектаклида иштирок этган артистларни зўр қизиқиш блан кутиб олмоқдалар. Самарқанд рус драма театрининг исте'додли коллективига янги ижодий муваффақиятлар истаймиз.

Х. КОЖЕВНИКОВ,
М. Горький номли рус драма театрининг режиссёри.

СОВЕТ ХАЛҚИ — КОММУНИЗМ ИЖОДКОРИ

Буюк ижодий ғайрат ва ташаббусга эга бўлган ижодкор халқимиз коммунизм жамияти қуришдек тарихий вазифани амалга оширмоқда. Коммунистик жамият қуриш идеяси халқ оммасининг актив ижодкорлик ташаббуси асосидагина майдонга келди. Чунки тарихнинг ҳақиқий яратучиси, янги ҳаётнинг ижодчиси халқидир.

Халқ ўз бахтли ҳаётини, фаровон турмушини, бахтли келажагини яратучидир. Коммунистик партия халқ оммасининг буюк яратучилик ва қайта қуручилик фаолиятини юзага чиқармоқда, меҳнаткашларнинг коммунизм қуришдаги ижодий ишларига бошчилик ва етакчилик қилмоқда.

* * *

Коммунистик партия ишчилар синфи блан меҳнаткаш деҳқонлар иттифоқини уюштириб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабасини та'минлади. Бу блан у, инсоният тарихида янги давр — социализм даврини бошлаб берди.

Пролетариат ҳокимият тепасига келиши блан халқ оммасининг кенг табақаларини катта тарихий ишларга, ижтимоий ва сиёсий ҳаётнинг барча тармоқларига кенг равишда жалб қилди, халқ оммасидаги чексиз ижодий ғайратни мисли кўрилмаган даражада ҳаракатга келтирди, халқ фаолиятининг янада кучайиши учун кенг йўл очиб берди.

Ҳонлар, беклар, ажнабий босқинчилар томонидан асрлар бўйи эзилиб келган ўзбек халқи ҳам Улуғ Октябрь социалистик революцияси туфайли озод бўлди, қуллик ва ҳуқуқсизликдан, қашшоқлик ва миллий зулмдан қутилди. Ўзбек халқи мамлакатимиздаги барча қардош халқлар блан биргаликда коммунизмнинг онгли қуручиси бўлиб қолди. Ўзбек халқи Коммунистик партиянинг раҳбарлиги, улуғ рус халқининг қардошларча ёрдами туфайли, коммунизм қуриш йўлида тарихий ғалабаларга эришди. Ўзбекистон — озод, тенгҳуқуқли республикаларнинг буюк қардош оиласидан муносиб ўрин олди, социализмнинг Шарқда порлаб турган маш'алига айланди.

Омманинг меҳнат соҳасидаги ғайрат ва ташаббуси, қаҳрамонлиги туфайли, мамлакатимиз қисқа муддат ичида қолоқ, аграр мамлакатдан илғор индустриялашган ва колхозлашган мамлакатга айланди, мамлакатимизда социализм ғалабаси та'минланди.

Социалистик жамиятнинг капитализм дан фарқи шундаки, социализм даврида халқ оммаси ижтимоий қулликдан қутилиб, тарихни онгли равишда яратучи кучга, бутун ижтимоий ҳаётнинг чинакам эгасига, янги дун'ё қуручи кучга айланди. Социализм даврида меҳнаткашлар оммаси тарихда биринчи марта ўзи ишлабчиқараётган моддий ва маданий бойликларнинг прогрессив равишда ошиб боришидан бевосита манфаатдор бўлди, чунки ҳарбир киши бевосита ўзи учун ва жамиятда яшовчи бутун меҳнаткашлар коллективи учун ишламоқда.

Социализм даврида халқ иқтисодий сиёсий ва маданий ҳаётнинг хўжайини бўлиб қолди. Социализм халқ ташаббусининг барқ уриб яшнаши учун кенг йўл очиб берди. Совет ижтимоий ва давлат тузуми, жамиятимизнинг ма'навий-сиёсий бирлиги, СССР халқларининг дўстлиги, оташин совет ватанпарварлик — халқ оммаси ижодий кучининг тугаммас манбаидир. Социалистик жамиятда ишлабчиқариш муносабатларининг ишлабчиқариш кучларига тўла мувофиқ келиши, социалистик ишлабчиқариш муносабатларининг эксплуатациядан бутунлай озод бўлган кишилар ўртасидаги ўзаро ёрдамга, дўстлик ва ҳамкорликка асосланиши ишлабчиқариш кучларининг мисли кўрилмаган тезлик блан ривожланишини, миллион-миллион кишилар ижодий фаолиятининг бениҳоя ўсишини та'минлаётган.

Миллионларча ишчилар ва деҳқонлар оммаси янги хўжалик қурилишини гоятда кенгайтириб юборадилар, меҳнатда мисли кўрилмаган даражада фидокорлик кўрсатдилар. Ишчилар ва деҳқонлар беҳисоб завод ва фабрикалар қуручи, колхоз ва совхозлар тузучи, турмуш учун керак бўлган барча нозу-не'матларни вужудга келтируччи, меҳнаткашларни тўйдириб, кийинтируччи катта ижодий куч сифатида тарих майдонига чиқдилар. Уларнинг «камтар» ва «сезилмас» меҳнатлари ҳақиқатда тарихнинг тақдирини ҳал қилучи буюк ва ижодий меҳнат бўлди.

Мамлакатимиз халқлари фашист босқинчиларга қарши олиб борилган Улуғ Ватан урушида ўз Ватанлари шон-шарафи, озодлиги ва мустақиллигини сақлаб қолиш блан бирга, фашист йиртқичлари истибдодида эзилган Европа ва Осиёдаги миллион-миллион халқ оммасини ҳам озод қилдилар. Немис-фашист босқинчиларга қарши олиб борилган Улуғ Ватан уруши йилларида совет халқи фронтда ҳам, мамлакат ичкарисида ҳам мислсиз қаҳрамонлик ва фидокорлик намуналарини кўрсатди.

Халқ мадад бермаганда, совет кишилари фабрика ва заводларда, шахта ва конларда, траспортда ва қишлоқ хўжалигида фидокорона меҳнат қилмаганида Совет Армияси муваффақиятларга эришолмаган бўлар эди. Шунинг учун ҳам мамлакат ичкарисидаги совет кишиларининг фидокорона меҳнати тарихда Совет Армиясининг қаҳрамонона кураши блан бир қаторда муносиб ўрин олади.

Совет Иттифоқини уруш жароҳатларини тез фурсатда тузатиш блан бирга ўзининг бутун кучини тинч қурилишга қаратаолди. Қисқа вақт ичида мамлакат халқ хўжалигини тинч изга ўтказиб олди.

Совет Иттифоқининг меҳнаткашлари эксплуатация тузумини емириб ташлаш блан бирга янги социалистик тузумни барпо қилишга ҳам қобил эканликларини кўрсатдилар. Кенг халқ оммасининг онгли ва актив қатнашишига асосланган социалистик жамиятни қуриш ва астасекин коммунизмга ўтишдек тарихий ҳаракатни қишилик тарихи шу вақтгача кўрмаган эди.

Буржуа идеологлари оламшумул-тарихий аҳамиятга эга бўлган бу буюк революцион ўзгаришларни «большевик агитаторлар» фаолиятининг натижаси деб изоҳлайдилар. Ҳозирги вақтда буржуазия «назариячи»лари халқ демократияси мамлакатларидаги революцион ўзгаришларни ҳам «коммунист агитаторлар» фаолиятининг натижаси деб тушунтирадилар. Бундай да'волар буржуазиянинг халқ оммасига нисбатан синфий нафратини акс этдириш блан бирга, унинг дун'ё қарашининг нақадар чекланганлигини, тарихни сохталаштириб, суб'ектив идеалистик нуқтаий-назардан тушунтиришини кўрсатади. Буржуазия социологияси жамият тараққиёт қонунларини тушунишга қобил эмас. Буржуазия социологияси ижтимоий тараққиёт қонунларининг об'ектив характерини, халқ оммасининг ижтимоий тараққиётни ҳаракатга келтиришда ҳал қилучи куч эканини инкор қилади. У, жамиятга суб'ектив идеалистик нуқтаи назардан қараб, ижтимоий тараққиётни тарихий шахслар фаолиятига боғлайди, жамият тарихини тасодифий воқиалар йиғиндисидан иборат қилиб кўяди. Шу сабабли меҳнаткаш халқ оммасининг заковат ва иродасини инобатга олмайди, аксинча халқни нодон, прогресс душмани, қолоқликнинг ҳомийси ҳисоблайди.

Марксизм-ленинизм халқ оммасига бўлган буржуача қарашларнинг реакцион моҳиятини фош қилиб ташлади. Коммунистик партия та'лим бериб айтдики, жамиятнинг ривожланиш тарихи, даставвал, ишлабчиқаришнинг ривожланиш тарихи, асрлар давомида бир-бири блан алмошинадиган ишлабчиқариш усуллари тарихи, ишлабчиқариш кучлари ва ишлабчиқариш муносабатларининг ривожланиши тарихи, жамиятни революцион тарзда қайта қуришда ҳал қилучи куч — меҳнаткаш оммасининг тарихидир.

Ижтимоий ривожланиш тарихи — моддий бойликлар ишлаб чиқаруччиларнинг тарихи, ишлабчиқариш прогрессининг асосий кучлари бўлган ва жамиятнинг яшамоги учун зарур моддий бойликлар ишлабчиқаришни амалга оширадиган меҳнаткашлар оммасининг тарихидир.

Халқ оммаси жамият маданий бойликларининг ҳам ижодкоридир. Реакцион назариячилар, марксизм душманлари маданиятни яратишда халқ ролини инкор этадилар. Улар, алоҳида «танланган», «аристократик шахслар»гина маданиятни яратадилар, деб да'во қиладилар.

А. М. Горький: «Халқ фақат барча моддий бойликларни яратучи кучгина эмас. У, ма'навий бойликларнинг ягона ва битмас-тугаммас манбаидир», — деб айтган эди. Халқ оммаси барча маданий бойликлар ва тилнинг ижодчисидир.

Совет ҳокимияти кишилик тарихида биринчи марта, халқ томонидан яратилган барча ма'навий бойликларни бир тўда эксплуататорлар томонидан суиистеъмол қилинишига, халқ оммасининг эса жаҳолатда яшашига барҳам берди. Совет ҳокимияти фан ва маданиятнинг барча ютуқларини меҳнаткаш омма қўлига олиб берди.

Мамлакатимизда 57 миллиондан ортиқ киши билимнинг турли соҳаларига жалб қилинган. Шу фактнинг ўзи меҳнаткаш омма илғор маданиятни зўр қунт блан эгаллаётганлигини яққол кўрсатади. Илғор ташкилотлар, корхона ва колхозлар ўзига хос халқ университетларига айланмоқда. Меҳнаткашлар ишлабчиқаришдан ажралмаган ҳолда илм олмоқдалар. Миллионларча ишчилар, колхозчилар, ўз тажрибалари блан фанни, техникани бойитмоқдалар. Олимларнинг ишлабчиқариш ишларидаги блан бўлган ҳамкорлиги кундан-кунга ўсмоқда ва мустаҳкамланмоқда.

Совет халқининг социализм жамиятини қуриш ва коммунизм сари олға бориш йўлидаги барча ғалабаларининг ташкилотчиси ва илҳомчиси Коммунистик партиядир.

Коммунистик партия ишчилар синфи ва меҳнаткаш деҳқонлар ва барча меҳнаткашларнинг туб мақсадларини амалга ошириш учун кураш раҳбар, йўлбошчи кучдир. Коммунистик партия тарихи — амалдаги марксизм-ленинизмдир. халққа хизмат қилишнинг, халқ бахтсаодати учун фидокорона курашнинг яққол намунасидир.

Халқ блан мустаҳкам алоқада бўлиш, омманинг ижодий кучига самимий ишонч, халқ ташаббусини қўллаб-қувватлаш — Коммунистик партиянинг асосий фазилатларидан биридир. Коммунистик партиянинг дун'ёқараши, назарияси, амалий фаолияти марксизм-ленинизм голибона та'лимотига асосланган ва меҳнаткаш халқ оммасининг ижодий кучларига зўр ишонч блан суғорилгандир.

Коммунистик партия халқдаги барча заковатни, улуғворликни ўзида ғавдалантиради. Партияда биз халқ донишмандлигини, ақли росалигини, қудрати ва пўлат иродасини, сабр-матонатини, зулм ва қулликка қарши нафратини, меҳнаткашлар орзу қилган умид ва истакларни кўрамиз. Партия ўзининг бутун шонли тарихида халқ блан алоқани кенгайтириш ва мустаҳкамлашни ўзининг муқаддас вазифаси қилиб қўйган.

Партиямизнинг кучи ва енгилмаслиги унинг халқ блан чамбарчас боғланганлигидир. Партиямиз омма блан алоқани кун сайин мустаҳкамлайди. Меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжлари доимо партиямизнинг диққат марказида бўлиб келмоқда.

Коммунистик партия тарихни олға қараб ҳаракат қилдируччи қудратли куч , халқимизнинг ҳақиқий раҳбари, устози ва йўлбошчиси, замонамизнинг шоншарафи, ақли ва виждонидир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси халқимизни социализмдан аста-секин коммунизмга ўтишнинг аниқ программаси блан қуроллантирди. Коммунистик партиянинг фаолияти Совет давлатининг қудратини мустаҳкамлашга, меҳнаткашларнинг узлуксиз ўсиб бораётган моддий ва маданий талабини максимал даражада қондиришга ва мамлакатда коммунизм ғалабасини та'минлашга қаратилгандир.

Совет Иттифоқи Комм

Ғўза парваришидаги барча ишларни тез ва юқори сифатли ўтказайлик!

★

Универсалчи ўртоқ Холтўра Холбоев 813 гектар ердаги ғўзани культивация қилди

ОКТЯБРЬ ҚИШЛОҒИ. (**«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан**). Оққўрғон районидаги 2-нчи МТСнинг механизаторлари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг «Ғўза парваришидаги қолоқликни тугатиш ва машина-трактор станцияларининг ишини тубдан яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ишчанлик блан муҳокама қилиб, ғўза парвариши даврида ҳамма техникадан унумли фойдаланиш учун курашмоқдалар.

МТС механизаторлари ўртасида бошланган социалистик мусобақа тобора авж олмоқда. МТСнинг ўртоқ Жумақул Пиримқулов бошлиқ трактор бригадаси блан ўртоқ Шерқул Алиқулов бошлиқ 2-нчи трактор бригадаси мусобақадош. Бу икки трактор бригадасининг а'золари Жданов номли колхознинг пахтачилик бригадаларида ишламоқдалар. Июнь ойининг биринчи ўн кунлигида қилинган ишлар якунида ҳар икки трактор бригадаси ҳам яхши кўрсаткичларга эришди. Ўртоқ Шерқул Алиқулов бошлиқ 2-нчи трактор бригадаси МТСнинг кўчма Қизил байроғини олишга эришди.

Трактор бригадасининг а'золари ҳам ўзаро мусобақалашмоқдалар. Булар орасида моҳир универсалчи Холтўра Холбоев ҳаммадан олдинда бормоқда. У ўртасароғли механизаторлар нақиринга кўшилиб, мавсумда 1.100 гектар ердаги ғўза майдонини ишлаб бериш мажбуриятини олган. Ўртоқ Холбоев ўзи бошқараётган «Универсал»нинг узлуксиз ишлашига эришмоқда. У, 17 июньгача 813 гектар ердаги ғўзани культивациядан чиқарди. Ўртоқ Холбоев ўз тажрибалари тўғрисида сўзлаб бундай дейди:

— Июнь ойи давомида 500 гектар ердаги ғўзани ишлаб бериш мажбуриятини олганман. Бу ва'дамни ҳам шараф блан бажараман. Культивация қилишда ишнинг сифатига алоҳида э'тибор бераман.

Кардош Туркманистон ССР пахтакорларининг ўзаро текириш бригадаси областнинг колхозларида социалистик мусобақа шартлари қандай бажарилаётганлигини кўздан кечирмоқдалар. Тошкент область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **А. Гульмедова** (чапда) Оққўрғон районидаги Тельман номли колхознинг звено бошлиғи ўртоқ **М. Қўлдошев** (ўртада) ва район партия комитетининг секретари ўртоқ **Усмонов** блан суҳбатлашмоқда.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси)

Колхозчилар кўп миқдорда пул ва натура авансларн олмоқдалар

СИРДАР'Е. (ЎзТАГ). Районнинг пахтакор колхозларида ишланган меҳнат кунлари учун иккинчи марта пул ва натура аванси берилабошланди. Колхозлар ўз а'золарига бериш учун давлатдан кўп миқдорда пул олмоқдалар.

Охунбобоев номли колхознинг жорий счётига пахтакорларга аванс тариқасида бериш учун қарийб икки ярим миллион сўм пул тушди. Колхоз бу йил пахта майдонини икки баравар кенгайтирди ва гектаридан 38 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олди. Ҳозир колхозда меҳнат кунига 7 сўмдан пул ва икки ярим килограммдан дон берилаётир, бу эса ўтган йилдагига қараганда анча кўп.

Колхознинг илғор пахтакорлари катта аванс олаётирлар. Масалан, колхозчи Абдумажид Абдураимов йил бошидан бери 375 меҳнат куни ишлаган. Фидокорона меҳнат қилиш туфайли у катта даромад олишга эришди. У дастлабки икки авансда 2625 сўм пул ва бир тоннага яқин дон олди. Бригада бошлиғи Тоғай Назаров 350 меҳнат куни ишлаб, қарийб иккиярим минг сўм пул ва кўп дон олди.

Райондаги бошқа қишлоқ хўжалик артельларининг а'золарига ҳам ишлаган меҳнат кунлари учун кўп пул ва натура авансларн берилаётир.

Ҳамма далалардаги ғўзаларни бирхилда сифатли парвариш қилайлик

Тошкентдан чиқиб катта асфальт кўчадан Янгийўл томон бораётирмиз. Кўчанинг ҳар иккала томонида ҳам кўмкўк ғўзалар блан қопланган кенг карталар ястаниб ётади. Бундаги ғўзалар 3 — 4 культивация ва чопиқдан чиқарилган, ёввойи ўтлардан тозаланган. Илғор Свердлов номли, Сталин номли колхозларга қарашли бу ерларда фидокорона меҳнатнинг порлоқ самараси яққол кўзга ташланади.

Биз район маркази орқали ўтиб Молотов номли, Хрушчев номли колхозларнинг даласи томон юрдик. Бу ерда ҳам колхоз идорасига борадиган катта йўл ёқасидаги ғўзалар ёппасига барқ уриб ўсмоқда. Уларнинг олди гулга кирган.

Афсуски, бу колхознинг бошқа ичкарироқдаги бригадаларига кириб борар эканмиз, бутунлай бошқача манзараларга дуч келдик. Бу бригадаларнинг ғўзалари асфальт йўл ёқасидаги ғўзаларга сра ҳам ўхшамасди. Аввки паст, ўт босган ғўзалар қовжираб, чанкаган, хилма-хил ўтлар орасида қисилиб, ўсишдан қолмоқда.

Фактларга мурожаат қилайлик. Мана, Свердлов қишлоқ советидаги «XIX партс'езд» колхозининг ичкарида жойлашган Ойхўжа Қўрғонов бошлиқ 6-нчи бригадасига қарашли далалар. 53 гектар ердаги ғўзадан 20 гектари чопиқсиз, ташлаб қўйилган. Кўпчилик майдонлардаги ғўзалар ёввойи ўтларга кўмилиб ётмоқда. Чопиқда ишлаётган колхозчиларнинг бир қисми кундалик нормани бажармайдилар. Аҳмедов, Алимбоев, Азимов ўртоқлар бошлиқ узоқда жойлашган бригадаларнинг ғўзаларини ҳам ана шу хилда ўт босиб кетган. Низомиддинов бошлиқ 4-нчи бригаданинг катта картадаги ғўзаси қаровсиз қолдирилган. Бу ерда ғўзами, ўтми ўсаётганини аниқлаш қийин. Учинчи бригада бошлиғи Абдуюсупов ишни эплайолмади, деб яқинда вазифасидан четлаштирилди. Абдуллаев бригада бошлиғи қилиб тайинланди. Лекин бригадир ўзгартирилгани блан ишда жиддий бурилиш бўлмади, аксинча иш яна оғирлашди. Чунки колхоз правлениеси (раиси ўртоқ Мухторова) бригада бошлиғини ўзгартиш блан кифояланиб, бригада ишидан мутлақо хабар олмай қўйди.

Колхоздаги меҳнатга яроқли барча колхозчилар дала ишларига тўла қатнашмайдилар ва уларнинг меҳнат унумини ошириш учун зарур чоралар кўрилмайди. Маданий-маиший хизмат яхши йўлга қўйилмаган. Оммавий-сиёсий ишлар ниҳоятда бўшаштириб юборилган. Азимов бошлиқ бригадада агитатор Р. Турдиева бир ойдан буён далада бўлмаган.

Райкомнинг 2-нчи МТС зонаси бўйича секретари Н. Авазов ва инструктори Насриддинов ўртоқлар колхозга ондасонда келсалар ҳам дала ишлари блан чуқур танишмайдилар, юз берган жиддий аҳволни тузатиш тадбирларини кўрмайдилар. Колхоздаги иккала трактор бригадасининг иши ҳам қониқарсиз, сифати паст. 8 «Универсал»нинг кўпчилиги ер бўлмагани ёки запас қисмлар етишмаганлиги сабабли бекор турипти. Бу аҳвол МТС директори ўртоқ Галицинскийга ма'лум. Лекин ўртоқ Галицинский колхозда юз берган ташвишли аҳволнинг олдини олиш чораларини кўриш ҳақида камдан-кам ўйламоқда.

Биргина бу колхозда эмас, райондаги бошқа колхозларда ҳам ғўза қатор ораларини ишлаш, ўғитлаш, суғориш юзасидан берилган график кун сайин бажарилмай, иш ҳажми тобора ортмоқда. Бунинг натижасида ғўза парвариши ўтган йилги сур'атдан анча орқада қолаётир.

«Ватан учун» қишлоқ советидаги Молотов номли колхозни олиб қарайлик. Колхозда ҳалигача 200 гектардан ортиқ ердаги ғўза бир марта ҳам чопиқ қилинмаган. Фақат катта йўлнинг икки томонидаги ерларнинг ғўзаси ўтдан тозаланган; Усмонов, Холдоров, Намозов каби бригадаларнинг ичкари ерлардаги ғўзалари ўт ичида яхши ўсмаётир.

Бу йил колхозда трактор, ишчи кучи анча кўпайди. Ғўза парваришини тезлатиш учун ҳамма имконият мавжуд. Шунга қарамай энди 300 гектар ердаги ғўза иккинчи чопиқдан чиқарилган. 429 гектар ердаги ғўза ўтитланган ҳолда, атиги 113 гектари суғорилган, холос.

Колхоз раиси Исмонл Исроилов, бошланғич партия ташкилотининг секретари Ортиқалиев, ҳосилот советининг раиси Бадалбоев ўртоқлар трактор ва қўл ишларини ғўзани озиқлантириш, суғориш блан қат'ий равишда бир-бирига боғлаб олиб боришнинг муҳим роль ўйнашига э'тибор бермай дала ишларига юзаки ва бўш раҳбарлик қилмоқдалар.

Колхозда ғўза парваришининг қониқарсиз бораётганлигига звено принципи бузилаётганлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Звено бошлиқларининг фамилияларига рўйхатда бор. Хрушчев номли, Жданов номли, Петров номли колхозларда ҳам звено принципининг бузилиши ғўза парваришининг орқада қолишига сабаб бўлмоқда.

Янгийўл пахтакорлари юксак мажбурият — бу йил ҳар гектардан 35 центнердан пахта етиштириш учун курашмоқдалар. Бундай ҳосил барча колхоз, бригада, звеноларда ғўза парвариши бир хилда агротехника талабларига мувофиқ ўз вақтида юқори сифатли ўтказилгандагина қўлга киритилиши мумкин.

Ш. КУЗАНБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Ғалла ўрим-йиғимини уюшқоқлик блан ўтказамиз

Паркент — областимизнинг асосий ғаллакор районларидан ҳисобланади. Ғаллачилик район экономикасида биринчи ўринда туради. Илгари ерлар омоч блан ҳайдалиб, ғалла ўроқ блан ўрилар, унумдор ерлардан кам ҳосил олинар эди. Ҳозир Паркент ғаллакорлари партия ва ҳукуматимизнинг доимий ғамхўрлиги туфайли қудратли техника блан қуролланиб, йилдан-йилга мўл ҳосил етиштирмоқдалар.

Партиямизнинг тарихий XIX с'езди қарорларидан руҳланган Паркент ғаллакорлари ўтган йили мўл ҳосил етиштириб, анча яхши натижаларга эришдилар. Илгари ҳар гектар ердан 2 — 3 центнер ҳосил олиб келган Сталин номли колхоз далаларида коммунист Зокир Қурбонов ва Парпи Ҳусанбоев бошлиқ бригадалар гектаридан 15 центнергача етказиб ғалла ҳосили олдилар. Шунингдек, «Коммуна» колхозида Меҳмон Сулаймонов, Ленин номли колхозда Тўйчи Ёров бошлиқ бригадалар ҳам гектаридан 10 центнердан ошириб ғалла ҳосили топширдилар.

Энгельс номли колхоз районда қолоқ колхозлардан ҳисобланар эди. Ўтган йили бу колхознинг трактор юрмаган қирлари НАТИ, ДТ—54 каби кучли тракторлар блан ишланди. Дала ишларининг асосий қисми механизация ёрдамида бажарилди. Колхоз ғалладан мўл ҳосил олиб давлатга ғалла топшириш планини биринчи бўлиб бажарди. Уруғликни тўла жамгаргандан кейин колхозчиларнинг меҳнат кунига кўп миқдорда ғалла тақсимланди. Эндиликда бу колхоз илғорлар қаторига ўтиб олди.

Паркент ғаллакорлари ўтган йили кузда ғалла экиладиган ерларнинг кўпини шудгор қилиб қўйдилар ва қолган ерларни баҳорда сифатли ҳайдаб, сўнгра дон экдилар. КПСС Марказий Комитети февраль-март Пленумининг қарорини амалга ошириб, минг гектарга яқин қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилди. Олмошлаб экиш жорий қилинди, кўп йиллардан бери ғалла экиб келинаётган ерларнинг унумдорлигини ошириш тадбирлари кўрилди. Ғалла майдонларига 5 минг тонна маҳаллий ўғит солинди. Келгуси йилги экин учун 1000 гектар ўрнига 1300 гектар ер ёзги шудгор қилинди ва яна янги-янги ерлар шудгор қилинаётир.

Паркент далаларида колхозчи ва трактор чиларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли бу йил мўл ғалла ҳосили етиштирилди. Бу мўл ҳосилнинг тақдирини ҳал қилучи давр — ўрим-йиғим даври келди. Бу тез ўтадиган, вақтни кутиб турмайдиган, ма'улиятли даврдир. Шунинг учун ўрим-йиғимга пухта тайёргарлик блан киришмоқ керак.

Ўтган йил ғалла ўримида 18 комбайн ишлаган бўлса, бу йил 20 комбайн ишлайди. Ҳозир 9 комбайн ўримга тайёр турипти. Қолганлари ҳам шу кунларда ремонтдан чиқарилиб тахт қилинаётир. Комбайнчилар состави аниқланиб, улар участкаларга биркитиб қўйилди. Комбайнчилар ўртасида социалистик мусобақа кучайтирилиб, улар ўз зиммаларига аниқ мажбуриятлар олаётирлар. Жумладан, комбайнчилардан Қозоқбой Мирҳожиев С—6 маркали комбайн блан мавсумда 1000 гектар, Раҳимбой Каримбоев—900 гектар, Йўлчи Адашев — 1000 гектар, Намоз Қурбонов СЗК маркали комбайн блан 450 гектар, Ҳасан Абдураимов СТ маркали комбайн блан 500 гектар ердаги ғаллани ўриб бериш мажбуриятини олдилар. Комбайнчилар, ўроқчилар ўртасида бошланган социалистик мусобақага коммунистлар, комсомоллар етакчилик қилмоқдалар.

Бу йил ғалла ўрим-йиғимида 8 молотилка ва лобогрейка, 12 автомашина, 71 бричка ва 500 дан ортиқ ўроқчи ишлайди. Уларнинг кунлик иш нормалари белгиланиб тегишли топшириқлар берилди.

Район партия комитети ғалла ўрим-йиғими даврида партиявий-сиёсий ва оммавий ишларни яхши олиб бориш тадбирларини ҳам белгилади. Далаларда шийпонлар, комбайнчиларнинг кўчма уйлари қурилмоқда. Улар жиҳозланиб газета, журнал, китоб, радиоприёмниклар ва бошқалар блан та'миланмоқда.

Ғалла далаларида ўрим-йиғим даврида 40 дан ортиқ агитаторлар ишлайди, район маданият бўлими томонидан агитмашина ташкил этилди.

МТС ҳузурида «Жанговар варақа», «Илғорлар тахтаси», фотогазета ташкил этилиб, илғорлар иши системали ёритилиб борилмоқда. Яқинда ташкил этилган МТС ҳаваскорлар тўтараги комбайнчиларга маданий хизмат кўрсатиш учун тайёрланаётир. Районда яқинда бўлиб ўтган деворий газеталар кўригида, деворий газеталарнинг ўрим-йиғим давридаги иши аниқлаб берилди. Ўримда ишлайдиган болали аёлларга хизмат кўрсатиш учун кўчма болалар яслиси ва боғчалари ташкил этилмоқда.

Район партия комитетининг МТС зоналарига бириктирилган инструкторлари раҳбарлиги остида колхоз бошланғич партия ташкилотларининг ўрим-йиғим даврида олиб бориладиган оммавий-сиёсий ишлар плани тузилиб, бунда коммунистлар конкрет участкаларга биркитилди.

Районда ғалла нобудгарчилигига қарши кураш юзасидан бир қатор тадбирлар кўрилаётир. Енгин хавфига қарши зарур асбоб ва аш'ёлар тахт қилинди. Ҳарбир колхозда комсомол-ёшлардан иборат нобудгарчиликка қарши курашучи жанговар постлар, ёш бошоқчилар группалари уюштирилди.

Етиштирилган мўл ғалла ҳосилининг бир бошоғини ҳам нобуд қилмасдан қисқа муддатда ўриб-йиғиб олиш учун барча чоралар кўрилаётир. Ғалла ўрим-йиғимига тайёргарлик соҳасидаги мавжуд камчиликларни тезда тузатган ҳолда, ғаллани вақтида ўриб-йиғиб олиш, давлатга ғалла топшириш планини муддатидан илгари бажариш учун колхоз раҳбарлари ва қишлоқ хўжалик ходимларининг диққати барча куч ва моддий-техника воситаларини сафарбар қилишга жалб этилди. Ғалла ўрим-йиғимини намунали ўтказиш блан бир вақтда, ғўза парвариши, чорвачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларидаги ишларни ҳам пухта уюштириш учун курашамиз.

С. НУРИТДИНОВ,
ЎзКП Паркент район комитетининг секретари.

6430 сўм устама мукофот

Ўртасарой районидаги «Полярная звезда» колхозининг пиллачилари бу йил пилладан янада мўл ҳосил олмоқдалар. Колхознинг Н. Юнусова бошчилик қилаётган илғор звеноси қуртни жадал метод блан боқиб, 24 кунда пилла ҳосилини батамом йиғиб-териб олди. Бу звено ҳарбир қути уруғдан пландаги 59 килограмм ўрнига 112,5 килограммдан ҳосил олиб, 4 қути уруғдан давлатга 450 килограмм пилла топширди. Звенога пландан ташқари топширилган пилла учун 6430 сўм устама мукофот берилди.

Колхознинг ўртоқ К. Хан бошлиқ звеноси ҳам ҳар қути уруғдан 92 килограммдан пилла олиб, планни 156 процентга, Б. Худоёрова бошлиқ звено эса планни 150 процентга етказиб бажардилар. Бу илғор звеноларга ҳам устама мукофот берилди.

Т. ИЎЛДОШЕВ.

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик ВИСТАВКАСИНИНГ КАНДИДАТЛАРИ

Гулистон механизаторлари

Республикамизнинг энг ёш районларидан бири бўлган Гулистон районида экин майдонларини кенгайтириш соҳасида зўр ишлар қилинмоқда. Шу вақттача фойдаланилмасдан ётган каттагина майдондаги қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ишлари олиб борилмоқда, улар экин майдонларига айлантирилмоқда. Механизаторлар ватанпарварлик ишларининг биринчи сафларида бормоқдалар.

Қўл блан қилинадиган ишларни механизация воситаси блан бажариш колхоз қишлоғининг бутун ҳаётига тобора сингиб бормоқда.

Совет давлати пахтакорларни илғор техника воситалари блан доимий равишда та'минлаб турмоқда. Республика МТСлари ҳар йили давлатдан кўплаб янги трактор, бульдозер, скрепер, пахта териш машиналари ва бошқалар олмоқдалар.

Колхозларда экин майдонларини кенгайтириш ва пахтадан юқори ҳосил олиш учун курашда машина-трактор станциялари нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини Гулистон районидаги 3-нчи МТС мисолида ҳам кўриш мумкин.

Райондаги бу МТС бундан 4 йил илгари ташкил қилинган эди. Шу қисқа давр ичида МТС ўзи хизмат қилаётган колхозларнинг пахтадан мўл ҳосил олишини та'минлашда муносиб ҳисса қўшди. МТСнинг бош агрономи Иван Лукьянович Шаталин бундай дейди:

— МТС зонасига қарашли колхозларнинг экин майдонлари 4 йил ичида бир ярим марта ортди. Фақат шу йилнинг ўзида 600 гектар қўриқ ерлар ўзлаштирилиб, бунинг 500 гектарига чигит экилди. Район колхозлари ана шу янги ерлардан йил сайин мўл ҳосил етиштирмоқдалар.

Масалан, районда ҳар гектардан 1951 йилда 22,2 центнер, 1952 йилда 24,8 центнер, 1953 йилда 25,2 центнер ҳосил олинди. Бу йил эса механизаторлар колхозчилар блан ҳамкорликни янада кучайтириб, кенг майдонларда ҳар гектардан 27 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар.

МТС коллективи пахтани машина блан теришда ҳам юқори кўрсаткичларни қўлга киритишга муваффақ бўлди. 1953 йилда 26 та пахта териш машинасининг ҳаммаси ҳам унумли ишлади. Экин майдонларини янги ерлар ҳисобига кенгайтириш ва пахтадан юқори ҳосил етиштирилишини та'минлашда колхозларга яхши хизмат кўрсатгани учун Гулистон районидаги 3-нчи МТС Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига кандидат қилиб кўрсатилди.

Бу машина-трактор станциясининг илғор тажрибаси нималардан иборат? Бунда дастлабки қишлоқ хўжалик техникасидан унумли фойдаланиш, механизаторлар меҳнатини тўғри ташкил қилиш ва дала ишларининг бориши устидан агрономия назоратини ўрнатилишига катта аҳамият берилади.

Бу йилги қўклам анча ноқулай келди. Уст-устига бўлиб турган ёғингарчиликлар кўклам дала ишларида бирқатор қийинчиликларга сабаб бўлди. Лекин шундай бўлишига қаремай, Гулистон районидаги 3-нчи МТС экишни эрта муддатларда ва юқори сифатли ўтказилишини та'минлади.

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленумидан кейин колхозларга ва МТСларга, шу жумладан 3-нчи Гулистон МТСига ҳам янги мутахассислар келди. Колхозларга агрономия хизмати янада яхшиланди.

Агрономлар ишлабчиқариш ташкилотчилари, янги илғор иш методларининг ташаббускорлари сифатида майдонга чиқмоқдалар. Уларнинг доимий назорати ва раҳбарликлари остида дала ишларининг барча турлари энг яхши агротехника муддатларида ўтказилмоқда.

Ўртасароғли илғор механизаторларнинг ватанпарварлик чақириғи республикадаги барча механизаторлар сингари бу МТС механизаторлари томонидан ҳам қизғин қувватланди. МТСнинг минггектарлик ҳаракатига қўшилган универсалчилари ўз зиммаларига янги конкурет мажбуриятлар олдилар. Барча ҳайдов тракторлари икки сменада ишлашга ўтказилди. Агрономлар ҳарбир тракторчининг ма'лум бир участкада доимий равишда ишлаши, ғўза парваришининг юқори сифатли ўтказилиши устидан назорат ўрнатдилар. Бу эса ижобий натижалар бермоқда.

Масалан, МТС бўйича культивация қилишдаги ўртача иш унуми май ойининг охирида шу ойнинг бошидагига нисбатан 50 процент кўпайди. Ўртоқ Торгашин бошчилик қилаётган 3-нчи трактор бригадаси ва бошқа ба'зи бригадалар меҳнат унумини 80 процентгача ошириш муваффақ бўлдилар. Ҳозир бу трактор бригадасининг универсалчилари графикни анча ошириб бажармоқдалар. МТСнинг Г. Бойниёзов, Жаббор Муродов, Эргаш Жониқулов ва бошқа кўпгина универсалчилари шу кунларда 16—18 гектар ердаги ғўзани культивация қилмоқдалар.

Бу йил ғўза касалликларига ва қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш ўтган йиллардагидан бирмунча дуруст ташкил қилинган. Карталарнинг ўрталаридаги марзаларни ва ювотларни дорилаш қишлоқ хўжалик зараркунандаларининг ёйилишига хотима берди. Ғўзани озиқлантириш ва суғориш агротехника қоидаларига қат'ий риоя қилинган ҳолда олиб борилмоқда.

Ҳозир МТСда пахтани машина блан теришга тайёргарлик кўрилмоқда. Ўтган йилги тажриба пахтани машина блан теришга олдиндан тайёргарлик кўриш пахта йиғим-теримини муваффақиятли ўтказилишини та'минлашини кўрсатди.

Пахта йиғим-терими пахтачиликда энг мураккаб ишлардан бири. Шундай вақтлар ҳам бўладики, пахта теришнинг энг қизғин пайтларида ишчи кучи етишмай қолади.

Механизаторлар пахтани ўз вақтида йиғиб-териб олишда катта роль ўйнайдилар. Улар қўл меҳнатини камайтириш, колхозчиларнинг кечиктириб бўлмайдиган бошқа кузги ишлар блан шуғулланишларига йўл очиб берадилар.

Гулистон районидаги 3-нчи МТС механизаторлари буни яхши тушунадилар. Чунончи, ўтган йили пахтани машина блан теришда бу ерда яхши натижаларга эришилди. Бу ҳақда батафсил тўхтаб ўтишга тўғри келади.

Пахтани машина блан теришга тайёргарлик кузданоқ бошланди. Агрономлар колхоз правлениелари ва далачилик бригада бошлиқлари блан пухта маслаҳатлашиб, текис ва кенг карталарни танладилар. Кузда бу участкалар яхшилаб текисланиб, суғориш тармоқлари тартибга солинди.

Чигит қисқа муддатларда экиб тамомланди. Ғўзанинг ўсиш даврида пахтадан юқори ҳосил олиш ва унинг эрта пишишини та'минлашга қаратилган барча комплекс тадбирлар амалга оширилди.

Пахтани машина блан теришда ғўза тупларининг нормал қалинлиқда бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун агрономлар ва пахтакорлар бу ишга зўр э'тибор бердилар.

Шунингдек суғориладиган карталарни йириклаштиришда ҳам катта ишлар қилинди. Илгари пахта териш машиналари айланиш учун жой торлик қилгани учун унумсиз ишлар эди; ариқлар ва чуқурлар халал берарди. Энди бу каби камчиликлар, айниқса Свердлов номли, Крупская номли колхозларда бартараф қилинди.

Гулистон районининг ерларида сизот сувлари юза туради. Шуни назарда тутиб агрономлар, айниқса пахтаси машина блан терилиши керак бўлган ерларда суғоришни тўғри олиб борилишини та'минладилар. Қўллатиб суғориш ўша ернинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашувига сабаб бўлади, кўсаклар эрта пишиб етилмайди.

Бу соҳадаги яна бир тўсқинликка, я'ни ғўзаларнинг ётиб қолишига қарши олдиндан чора кўриш керак. Бунинг учун агротехника қоидаларига қат'ий риоя қилинган ҳолда олиб борилмоқда.

Ҳозир МТСда пахтани машина блан теришга тайёргарлик кўрилмоқда. Ўтган йилги тажриба пахтани машина блан теришга олдиндан тайёргарлик кўриш пахта йиғим-теримини муваффақиятли ўтказилишини та'минлашини кўрсатди.

Пахта йиғим-теримининг дастлабки кунларидан бошлаб механик-ҳайдовчилар ўртасида социалистик мусобақа авж олиб кетди. Кўпгина механизаторлар юқори меҳнат унумига эришдилар. Масалан, ўртоқ Иван Торгашин бошлиқ бригададаги 5 та машинанинг ҳаммаси унумли ишлади.

Эргаш Жониқулов, Қундуз Тўхтамишев, Йўлдош Рустамов, Г. Бойниёзов, Жаббор Муродов, Йўлдош Мирзабоев, Ўтаган Мирзақулов, Баязит Саиталиев сингари кўпчилик механик-ҳайдовчиларнинг ҳарбири кунига 1,8 — 2,2 гектардаги пахтани териб бердилар. Булардан ба'зибирлари ҳатто 2,5—3 гектар ердаги пахтани териб, катта ютуқларни қўлга киритдилар.

Пахта териш машиналарининг тўхтовсиз ва унумли ишлаши айрим колхозларда пахта териш муддатларини бирмунча қисқартиш ва уни давлатга топширишни тезлатишда қулайлик берди. Масалан, Свердлов номли колхозда (раиси Ким Гван Хо, партия ташкилотининг секретари Петр Ан, давлат агрономи У. Усмонов ўртоқлар) пахтани машина блан териш учун қулай шароитлар яратилган эди. Механизаторлар биринчи теримдаёқ 370 гектардан 226 гектар ернинг пахтасини териб бердилар. Бу пахта майдонининг 61,9 процентини ташкил қилади. Шунинг натижасида колхоз пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажаришга муваффақ бўлди.

Шу каби Карл Маркс номли колхозда хизмат қилган ўртоқ Торгашин бошлиқ бригаданинг механик-ҳайдовчилари 410 гектар пахта майдонининг 250 гектарини териб бердилар. Пахтани машина блан теришнинг афзаллигини яна шу фактдан ҳам яққол кўриш мумкинки, Карл Маркс номли колхозда дастлабки кунларда 270 — 300 киши ишлаб, бир кунда 12 — 14 тонна пахта тергани ҳолда, механизаторлар эса 5 та машина блан ҳар куни 9 — 12 тонна пахта терганлар. Бунинг натижасида пахта тайёрлаш сур'ати 180 — 200 процентгача ошган.

Крупская номли колхозда бундан ҳам характерлироқ мисолни кўриш мумкин. Бу колхоз дастлабки кунлари пахта тайёрлашда орқада қолиб келди. Бу ерга 3-нчи Гулистон МТСидан бирнеча пахта териш машиналари юборилди. Натижада пахта тайёрлаш сур'ати сезиларли даражада ўзгариб, колхоз пахта тайёрлаш планини районда илғорлар қаторида бажарди.

Пахта йиғим-терими даврида бутун МТС коллективи фидокорона меҳнат қилди. Ремонтчилар пахта териш машиналарини ўз вақтида керакли детальлар ва қисмлар блан та'миналб турди. МТСнинг пахта териш машиналари бўйича агрономи ўртоқ Павел Юн машиналардан унумли фойдаланиш, уларга техника қаровини яхшилаш, ўз вақтида жорий ремонт қилиб туриш устидан қаттиқ назорат ўрнатилишини та'минлади. Бунинг натижасида коллектив 26 та пахта териш машинасининг ҳаммасидан унумли фойдаланаолди.

1337 гектар майдондаги пахта машиналар блан териб олинди. Ҳар бир пахта териш машинасининг ўртача иш унуми биринчи теримда пландаги 1,4 ўрнига 1,73, иккинчи теримда пландаги 1,6 ўрнига 2 гектарга етди. Эргаш Жониқулов, Қундуз Тўхтамишев ва Йўлдош Рустамов сингари комсомол механик-ҳайдовчилар мавсум топширигини ошириб бажардилар ва эришган юқори кўрсаткичлари учун Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига кандидат қилиб кўрсатилдилар.

СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг «Ўзбекистон ССРда 1954 — 1958 йилларда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида» деб чиқарган қароридан илҳомланган Гулистон механизаторлари меҳнат унумини ошириб, юқори ҳосил учун курашда янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Улар ўз кучларига қат'ий ишонч ҳосил қилганлари ҳолда, кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаш учун зўр ғайрат блан ишламоқдалар.

Бу йил район колхозларида пахтани машина блан териш учун 1000 гектар ер ажратилди. Бунга қўшимча равишда яна 300 гектар ер шу мақсадга мўлжалланиб қўйилди.

Ғўзанинг ҳарбир тупи меҳр блан парвариш қилинмоқда. Ҳозир пахтаси машина блан териладиган ерларда ғўзалар 3 марта комплекс парваришдан чиқарилди.

Ватанимизнинг пойтахти Москвада очиладиган Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига кандидат қилиб кўрсатилган бу илғор МТСнинг пешқадам механизаторлари ўртасаройлилардан ўрнак олиб, ғўза қатор ораларини ишлашни тобора кучайтирмоқдалар ва ҳарбир ишнинг а'ло сифатли бажарилишига эришмоқдалар.

К. МАМАДАЛИЕВ.

В. М Молотов Жанвадан жўнаб кетди

ЖАНВА, 20 июнь. **(ТАСС махсус мухбири).** СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ва СССР Ташқи ишлар министри В. М. Молотов бугун самолётда Жанвадан Москвага учиб кетди.

Жанва аэродромида В. М. Молотовни Хитой Халқ Республикаси Давлат ма'мурий кенгашининг раиси ва ташқи ишлар министри Чжоу Энь-лай, Вьетнам Демократик Республикаси бош министрининг ўринбосари Фам Ван Донг, Жанва кенгашидаги совет делегациясининг а'золари кузатиб қолдилар.

В. М. Молотов Жанвада йўқ вақтда СССРнинг Жанва кенгашидаги вакили бўлиб элчи К. В. Новиков қолади.

В. М. Молотов Москвага қайтиб келди

СССР Ташқи ишлар министри **В. М. Молотов** 20 июньда Ташқи ишлар министрларининг Жанва кенгашидан Москвага қайтиб келди. (ТАСС).

Германиядаги СССР Олий Комиссари аппаратини қайтадан тузиш ва қисқартиш тўғрисида

БЕРЛИН, 19 июнь. (ТАСС) Совет Ҳукуматининг бошқа суверен давлатлар блан қандай муносабатлар ўрнатилган бўлса, Германия Демократик Республикаси блан ҳам шундай муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ ва Германиядаги СССР Олий Комиссарининг Германия Демократик Республикасидаги давлат органларининг фаолиятини кузатиб туриши бекор қилинганлигига мувофиқ, Германиядаги СССР Олий Комиссарининг аппарати қайтадан тузилди ва бу аппаратдаги ходимлар сони уч ҳисса қисқартилди. СССР Олий Комиссарининг Росток, Шверин, Нойбранденбург, Франкфурт-Одер, Коттбус, Потсдам, Дрезден Лейпциг, Гелле, Эрфурт, Карл Маркс-штадт, Зуль Гера, Магдебург округларидаги ваколатхоналари тугатилди.

СССР Олий Комиссарининг Берлиндаги Ваколатхонаси ҳам тугатилди.

СССР блан Исландия ўртасидаги савдо муносабатларига доир

Муваффақиятли тамом бўлган Совет-Исландия савдо музокаралари натижасида шу йил 19 июньда Москвада СССР блан Исландиянинг 1954 йил 1 июльдан тортиб 1955 йил 31 декабрьгача бир-бирларига товарлар етказиб беришлари тўғрисида Протокол имзоланди. Бу Протокол ҳар икки мамлакат ўртасида товар оборотини янада кенгайтишни кўзда тутади.

Протоколга мувофиқ, СССРдан Исландияга нефть маҳсулотлари, ғалла ва ун, цемент, металлдан ясалган буюмлар, антрацит ва бошқа товарлар юборилади. Исландиядан СССРга эса, балиқ филеси, тузланган ва музланган сельд юборилади.

Протоколга совет томонидан — Ташқи савдо министри И. Г. Кабанов, Исландия томонидан — Исландиянинг СССРдаги фавқулодда вакили ва Мухтор Министри П. Тростейнссон қўл қўйдилар.

Венгрия Давлат мажлисининг сессияси тамом бўлди

БУДАПЕШТ, 19 июнь. (ТАСС) Венгрия Давлат мажлисининг сессияси бугун ўз ишини тамомлади. Охирги мажлисда жиноий ишлар бўйича суд қилиш тартибига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги ва граждан ишлар бўйича суд қилиш тартибига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қонунлар қабул қилинди. Бу ўзгартишлар суд юритиш тартибини енгилаштиради ва гражданларнинг ҳуқуқларига қаттиқ риоя қилинишини та'минлайди.

Шундан кейин, сессия шу вақтгача мавжуд бўлган битта савдо министрлиги ўрнига ташқи савдо министрлиги ва ички савдо министрлиги тузиш ҳақида ҳам бир овоздан қонун қабул қилди. Шу масала юзасидан таклиф киритган депутат Ласло Панаши айтганидек, савдо министрлигининг иккига бўлинишига сабаб аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини яхшироқ қондириш зарурлигидир.

Шу блан Давлат мажлисининг сессияси ўз ишини тамомлади.

Янги конституция проекти шарафига

ПЕКИН, 19 июнь. (ТАСС). Хитой Халқ Республикасининг ҳамма шаҳар ва қишлоқларида меҳнаткашларнинг жуда кўп йиғилишлари ва митинглари бўлмоқда. Бу йиғилиш ва митингларда ХХР конституцияси проекти кенг муҳокама қилинмоқда.

Конституция проектининг э'лон қилиниши Хитой меҳнаткашларининг сиёсий активлигини ва меҳнат ғайратини ғоят оширибўлди. Бу тарихий воқиа шарафига мамлакатнинг кўп корхоналари ва қурилишларида ватанпарварлик мусобақаси қизиб кетди. Мусобақа қатнашчилари ўз зиммаларига июнь ойи ишлабчиқариш планини муддатидан илгари бажариш тўғрисида оширилган мажбуриятлар олмоқдалар.

Хитойда биринчи автомобиль заводи қурилишининг участкаларидан бирида ишлаётган ишчилар коллективи ХХР конституцияси проекти э'лон қилинганлиги шарафига ва Хитой Коммунистик партияси ташкил қилинганига 1 июльда 33 йил тўлиши шарафига июнь ойи ишлабчиқариш планини муддатидан 10 кун илгари бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олди. Тайюань металлургия заводининг пўлат эрутичилари, Цинхэ ғишт заводининг ишчилари, Пекиндаги совет виставкасини қуручилар ва бошқа кўпгина корхоналарнинг коллективлари ўз зиммаларига оширилган ишлабчиқариш мажбуриятлари олдилар.

Ташқи ишлар министрларининг Жанва кенгаши

ЖАНВА, 19 июнь. **(ТАСС махсус мухбири).** Бугун тўққиз делегациянинг ёпиқ мажлисида Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклаш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш давом этди.

Камбоджа ва Лаосда уруш ҳаракатларини тўхтатиш масаласи юзасидан қўйидаги текст ҳақида келишилди:

«Ҳинди-Хитойда уруш харакатларини тезда ва айни бир вақтда тўхтатишга ёрдам бериш мақсадида қуйидагилар таклиф қилиннади:

а) ҳар иккала томон қўмондонликларининг вакиллари Жанвада ёки Ҳинди-Хитойда дарҳол учрашадилар;

б) улар кенгашда турли делегациялар айтган мулоҳазоларни ва қилган таклифларни назарга олиб, ҳамма четэл қуролли кучларини ва четэл ҳарбий ходимларини олиб чиқиб кетиш ҳақидаги масаладан бошлаб, Камбоджа ва Лаос территорияларида уруш ҳаракатларини тўхтатиш блан боғлиқ масалаларни ўрганадилар;

в) улар ўзларининг хулосалари ва рекомендацияларини мумкин қадар қисқа муддат ичида кенгашга билдирадилар».

Шунингдек кенгаш ўз ишини давом этдиради деб ҳам қарор қилинди.

Қўмондонликларнинг Вьетнам, Лаос ва Камбоджа масалалари блан шуғулланаётган вакилларига йигирмабир кундан кечикмай кенгашга дастлабки ёки қат'ий доклад тақдим этиш таклиф қилинди.

Кенгашнинг келгуси мажлиси 22 июньда бўлади.

Жанва кенгаши теварагида

ЖАНВА, 19 июнь. **(ТАСС махсус мухбири).** Бу ерда ма'лум бўлишича, Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклаш тўғрисидаги масалани муҳокама қилишда қатнашаётган тўққиз делегациясининг бугунги ёпиқ мажлисида Лаос ва Камбоджада уруш харакатларини тўхтатиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинган.

Мажлисда делегациялар вакилларининг ғайрирасмий учрашувлари йўли блан олдиндан келишилган қарор қабул қилинган, бу қарорда Хитой Халқ Республикаси делегацияси томонидан тўққиз делегациянинг 16 июньдаги мажлисида тақдим этилган ва Совет Иттифоқи ҳамда Вьетнам Демократик Республикаси делегациялари қўллаб-қувватлаган таклифлар асос қилиб қабул қилинган, шу блан бирга унда Лаос ва Камбоджа делегацияларининг таклифлари ҳам назарга олинган.

Бу қарорга мувофиқ, ҳар иккала томон қўмондонликларининг вакиллари Ҳинди-Хитойда уруш ҳаракатларини тезда ва айни бир вақтда тўхтатишга ёрдам бериш мақсадида Жанвада ёки Ҳинди-Хитойда дарҳол учрашадилар. Бу вакиллар кенгашда турли делегациялар айтган мулоҳазоларини ва қилган таклифларини назарга олиб, ҳамма четэл қуролли кучларини ва четэл ҳарбий ходимларини олиб чиқиб кетиш ҳақидаги масаладан бошлаб, Камбоджа ва Лаос территорияларида уруш ҳаракатларини тўхтатиш блан боғлиқ масалаларни ўрганадилар. Ҳариккала томон қўмондонликларининг вакиллари ўз хулосалари ва рекомендацияларини мумкин қадар қисқа муддат ичида кенгашга билдирадилар.

Тўққиз делегациянинг бугунги мажлисида кенгаш ўз ишини давом этдиради деб ҳам қарор қабул қилинди. Қўмондонликларнинг Вьетнам, Лоас ва Камбоджа масалалари блан шуғулланаётган вакиллари йигирмабир кундан кечикмай кенгашга дастлабки ёки қат'ий доклад тақдим этишлари лозим.

НХДР ташқи ишлар министри Нам Ир Жанвадан жўнаб кетди

ЖАНВА, 19 июнь. **(ТАСС махсус мухбири).** Корея Халқ-Демократик Республикасининг ташқи ишлар министри Жанва кенгашидаги КХДР делегациясига бошчилик қилган Нам Ир бугун Жанвадан жўнаб кетди. Унинг блан бирликда КХДР делегациясининг а'золари ва маслаҳатчилари ҳам жўнаб кетдилар.

Аэродромда Нам Ирни Вьетнам Демократик Республикасининг Жанва кенгашидаги делегацияси бошлиғи Фам Ван Донг, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. В. Кузнецов, ХХР ташқи ишлар министрининг ўринбосарлари Чжан Вэнь-Тянь ва Ли Кэ-нун, СССРнинг Швейцариядаги вакили Ф. Ф. Молочков, Швейцария ма'мурларининг вакиллари ва бошқалар кузатиб қолдилар.

Нам Ир аэродромда ҳозир бўлган матбуот вакилларига қуйидаги баёнотни қилди:

«Корея Халқ-Демократик Республикасининг делегацияси Жанва кенгаши бошланган пайтданоқ кенгашда ижобий натижага эришмоқ учун куч-қувватини аямади.

Биз бу кенгашда Корея масаласини тинч йўл блан ҳал этиш ҳақида бирқанча конкрет таклифларни илгари сурдик. Совет Иттифоқининг ва Хитой Халқ Республикасининг вакиллари бизнинг таклифларимизни қўллаб-қувватладилар. Бизнинг таклифларимиздаги адолатли ва оқилона принципларни бошқа ба'зи давлатларнинг вакиллари ҳам рад этаолмадилар. Броқ, Жанубий Корея, АҚШ вакиллари ва улар кетидан бораётган бошқа ба'зи мамлакатларнинг вакиллари Корея масаласини тинч йўл блан ҳал этиш ҳақидагь музокаралар вақтида яхши ниятда эканликларини сира кўрсатмадилар. Улар Корея Халқ-Демократик Республикаси, Совет Иттифоқи ва Хитой Халқ Республикаси вакиллари томонидан кенгашга тақдим этилган таклифларга нисбатан очиқдан-очиқ қарши позицияда турдилар. Тинчликка қарши чиқаётган АҚШ вакиллари ва унинг кетидан бораётган ғарбий давлатларнинг вакиллари 16 давлатнинг бирлашган декларацияси деб аталган декларацияни биртомонлама э'лон қилиб, Жанва кенгашида Корея масаласининг муҳокама этилишини барбод қилдилар. Жанва кенгашида Корея масаласи юзасидан олиб борилган музокараларнинг протоколлари кенгашнинг барбод қилинганлиги учун мас'улият ғарбий давлатлар бўйнига тушганлигини тамомила исботлайди.

Жанва кенгашида Корея масаласи юзасидан олиб борилган музокараларнинг барбод қилинганига қарамай, Корея Халқ-Демократик Республикаси ўзининг тинчлик сиёсатига амал қилиб бирлашган, мустақил, демократик Корея барпо этилиши учун курашини давом этдиради.

Мен бугун Жанвадан жўнаб кетатуриб, Корея Халқ Демократик Республикасининг делегацияси номидан Швейцария ҳукуматига ва Жанва гражданларига Жанвада бўлган вақтимизда бизларни хурсандчилик блан кутиб олганликлари учун самимий ташаккур изҳор қиламан».

Хавфсизлик кенгашида

НЬЮ-ЙОРК, 18 июнь. (ТАСС). 18 июньдаги мажлисда Хавфсизлик Кенгаши Таиланд делегацияси тақдим этган резолюция проектини муҳокама қилишни давом этдирди ва уни овозга қўйди. Шу резолюция проектида «тинчликнинг сақланишини кузатучи кичик комиссия» тузиб, унинг кузатучиларини Таиландга Ҳинди-Хитой чегараларига юбориш таклиф қилинган.

18 июньдаги мажлисда Дания, Колумбия, Франция ва Англия вакиллари сўзга чиқиб, Таиланд делегациясининг резолюциясини ёқлаб гапирдилар ва шу проект учун овоз бермоқчи эканликларини айтдилар. Улар Таиланд ҳукуматининг Таиланд хавфсизлиги учун ховотир бўлаётганлиги «қонуний» деб ҳечбир далилсиз да'во қилдилар ва Таиланд делегацияси томонидан киритилган резолюция проектини «ақлга мувофиқ ва мутадил» проект деб айтдилар.

Совет Иттифоқи вакили С. К. Царапкин муҳокама қилинаётган масалада СССРнинг тутган йўлини баён қилиб, мазкур кичик комиссия тузиш таклифи ҳақиқатда ким томонидан қилинганлигини кўрсатиб берди ва бундай кичик комиссия тузиш плани Ҳинди-Хитойдаги урушни кенгайтиришга интилаётган Америка империализмини Бирлашган Миллатлар байроғи паноҳига олишга уринишдан бошқа нарса эмаслигини фактлар блан исбот қилди.

Сўнгра Хавфсизлик Кенгашининг раиси, Америка делегати Лодж резолюция проектини овозга қўйди. Хавфсизлик Кенгашининг Америка делегати бошчилигидаги кўпчилиги резолюция проектини ёқлаб овоз берди. СССР вакили проектга қарши овоз берди. Ливан делегати бетараф қолди. Хавфсизлик Кенгашининг доимий а'зоси СССР резолюция проектига қарши овоз берганлиги сабабли проект, я'ни Америка интервенцияси учун ва Шарқи Жанубий Осиёдаги урушни кенгайтириш учун замин тайёрлаш мақсадини ўз олдига қўйган бу проект қабул қилинмасдан қолди.

Овозга қўйиш тамом бўлгандан кейин бошқалар қаторида сўзга чиққан Америка вакили Лодж Ҳинди-Хитойдаги урушни кенгайтириш ҳақидаги Америка планлари тўғрисида совет вакили томонидан келтирилган фактларнинг биттасини ҳам рад этмади. У, СССРга қарши одатдаги туҳмат гапларни айтиш блан чекланди. Правардида Лодж АҚШ делегацияси Бош Ассамблея орқали ўз мақсадини амалга оширишга яна уриниб кўради деган мазмунда гапирди.

ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДАГИ КЕСКИНЛИКНИ ЮМШАТИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

СТОКГОЛЬМ, 19 июнь. (ТАСС). Бугун Стокгольмдаги Гражданлар уйида халқаро муносабатлардаги кескинликни юмшатиш бўйича Халқаро конференция очилди. Франция жамоат арбобларининг бир группаси ташаббуси блан чақирилган бу конференция 23 июньгача давом этади.

Конференцияга 40 мамлакатдан, шу жумладан Япония, Хитой Халқ Республикаси, Ҳиндистон, Сурия, Ливан, Франция Чехословакия, Англия, Италия, Бразилия ва бошқа мамлакатлардан 250 кишидан кўпроқ вакил келди.

Конференцияда СССР жамоат арбобларининг Совет Тинчликни ҳимоя қилиш комитети президиумининг а'зоси ёзучи А. Е. Корнейчук бошчилигидаги делегацияси иштирок қилмоқда.

Конференция секретариатининг ахборотида бундай дейилади:

Бу конференция кўпгина мамлакатларнинг тинчликсевар кучлари томонидан ташкил қилинди. Бу соҳада французлар, шу жумладан Миллат мажлисининг турли партиялардан бўлган депутатлари биринчи ташаббус кўрсатиб, улар шу мақсад блан 14 майда Парижда йиғилишдилар. Ўша йиғилишда конференциянинг, қайси кун ва қайси жойда чақирилиши белгиланди. Шунингдек, конференцияга тайёргарлик кўрмоқ учун секретариат тузилди ва Стокгольмга юборилди.

Франция Миллат мажлисининг Фахрий раиси Эдуард Эррио конференцияга хайрихоҳлик блан мадад кўрсатмоқчи эканлигини айтди.

Конференция тинчлик музокаралари олиб бориш воситаси блан ва иқтисодий ҳамда маданий алоқаларни ривожлантириш воситаси блан халқаро муносабатларни яхшилаш имкониятларини ўрганади.

Конференцияга келган делегациялар составида, дейилади сўнгра ахборотда, турли маслакдаги сиёсий арбоблар, жумладан: Ҳиндистон миллий конгресс партиясининг а'золари, Япония парламентининг ҳамма партиялардан бўлган депутатлари, Англия лейбористлар партиясининг вакиллари, Италия ва Франция парламентларининг депутатлари, Бразилия ва Аргентина парламентларининг ҳукумат партияларидан бўлган депутатлари, СССР Олий Советининг депутатлари, Хитой Халқ Республикасининг ва халқ демократияси мамлакатларининг вакиллари бор. Делегациялар составида олимлар, ёзучилар ва бошқа ақлий меҳнат арбоблари, савдо-саноат доираларининг вакиллари, экономистлар, диний ташкилотларининг вакиллари ҳам бор.

Германия Демократик Республикаси блан Ғарбий Германия ўртасида темир йўл қатнови кенгаймоқда

БЕРЛИН, 20 июнь. (ТАСС). АДН агентлиги Германия Демократик Республикаси темир йўл транспорти министрлигининг ва Ғарбий Германия транспорт министрлигининг Германия Демократик Республикаси блан Ғарбий Германия ўртасида темирйўл қатновини кенгайтириш ва енгиллаштириш ҳақидаги бирлашган ахборотини билдирди.

Ахборотда айтилишича, бўлиб ўтган музокаралар натижасида шундай деб келишилади, Германиянинг бир қисмидан иккинчи қисмига борадиган поездлар сони 15 июньдан бошлаб икки баравар кўпайтирилади, қўшимча поездлар қатнайбошлайди, ғарбий зоналардан Германия Демократик Республикасига ва Германия Демократик Республикасидан ғарбий зоналарга ўтадиган янги пунктлар очилади, шунингдек зоналар ўртасидаги алоқани кенгайтиришга ва енгиллаштиришга қаратилган бошқа бирқанча тадбирлар амалга оширилади.

ФРАНЦИЯНИНГ ЯНГИ ҲУКУМАТИ

ПАРИЖ, 19 июнь. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг билдиришича, Мендес-Франс ҳукумати қуйидаги составда тузилган: Министрлар Советининг раиси ва ташқи ишлар министри Мендес-франс; миллий мудофаа министри генерал Пьер Кенниг («социал республикачи»), ички ишлар министри Франсуа Миттеран («Қаршилик кўрсатиш демократик ва социалистик союзи»); дегнизнинг нариги ёғидаги территориялар ишлари бўйича министр Робер Бюрон (МРП); молия, экономика ва планлаштириш министри Эдгар Фор (радикал-социалист); қўшилган давлатлар ишлари бўйича министр Ги ла Шамбр (мустақил республикачи); Марокаш ва Тунис ишлари бўйича министр Кристиан Фуше («социал республикачи»); савдо ва саноат министри Морис Буржес-Монури (радикал–социалист); меҳнат министри Эжен Клодиус-Пети («Қаршилик кўрсатиш демократик ва социалистик союзи»); собиқ фронтчилар иши бўйича министр Эммануэль Тампль (мустақил республикачи); қишлоқ хўжалиги министри Рожер Удэ (мустақил республикачи); реконструкция министри Морис Лемэр («Социал республикачи»); соғликни сақлаш министри Лун-Поль Ожула (мустақилчи); юстиция министри Эмиль Юг (радикал-социалист) жамоат ишлари министри Жак Шабан-Дельмас («социал республикачи»); маориф министри Жан Бертуэн («Сўл республикачилар бирлашмаси а'зоси).

Шундай қилиб, Мендес-франс бошчилигидаги ҳукумат составига қуйидагилар кирди: 4 радикал-социалист, «Қаршилик кўрсатиш демократик ва социалистик союзи»нинг 2 а'зоси, «Халқ-республика ҳаракати» (МРП) партиясининг 1 а'зоси, 4 «социал республикачи» (Социал ҳаракат республика союзи» — ЮРАС группасининг янги номи), 3 мустақил республикачи, 1 мустақилчи ва «Сўл республикачилар бирлашмаси»нинг 1 а'зоси.

Бу министрлардан фақат тўрттаси — Миттеран, Фор, Удэ, Лемэрларгина Ланьель ҳукумати составида бор эдилар.

Француз олий қўмондонлиги Вьетнам Халқ Армияси ҳарбий асирларининг биринчи группасини топширди

ШАНҲАЙ 20 июнь, (ТАСС). Вьетнам информация агентлиги билдиради:

Француз экспедицион корпусининг Диен-Биен-Фуда асир қилиб олинган 858 ярадор ҳарбий асири Вьетнам Халқ армиясининг олий қўмондонлиги томонидан озод қилингандан кейин Француз экспедицион корпусининг олий қўмондонлиги Вьетнам халқ армияси олий қўмондонлигини хабардор қилиб, Вьетнам халқ армиясининг 267 ярадор ва касал ҳарбий асирини бизни томонимизга топширажагини билдирди.

16 ва 17 июньда Вьетнам Халқ Армиясининг қўмондонлиги Вьетнам халқ армиясининг бир группа ярадор ва касал жангчиларини қабул қилиб олмоқ учун Фу-Ланг-Тўонгдан 8 километр шимолдаги пунктга делегатлар ва медицина ходимлари юборди. Касал жангчиларнинг кўп қисми узоқ вақт қамоқда яшаганликлари ва кўп азобларни бошларидан кечирганликлари сабабли ревматизм, сил касалликлари ва бошқа касалликларга мўбталодир. Ярадор ва касал жангчиларни топширган вақтда ҳар иккала томон илгари келишиб қўйилганига мувофиқ 10 километр доирада уруш ҳаракатларини тўхтатди.

Бразилия сенати реакцион сайлов қонунини ма'қуллади

МОНТЕВИДЕО, 19 июнь. (ТАСС). «Коррейо да Манья» газетасининг хабар беришича, Бразилия сенати фавқулодда сайлов қонуни деб аталган қонунни ма'қуллаган. Бу қонуннинг 32-нчи моддаси халқ кандидатларининг 3 октябрьда бўладиган сайловда қатнашмоқ учун олий сайлов трибуналида рўйхатга олинишини ман' этишга қаратилгандир. Бу модда сайлов рўйхатига киритилмаган партияларнинг а'зоси бўлган ёки бу партияларга хайрихоҳлик қилган кишиларнинг у ёки бу идора органига сайланиш учун кандидат сифатида рўйхатга олинишларини тақиқлайди.

«Импренса популар» газетаси сенатнинг бу қарорини шарҳлаб бундай деб ёзади: «Ҳукумат 3 октябрьда бўладиган сайловда халқ кандидатларининг сайланишига тўсқинлик қилишга уринмоқда». Газетанинг ёзишига қараганда, қонун проектининг автори сенатор Ларио Кардозонинг э'тироф қилишича, 32-нчи модда олий сайлов трибуналининг ва армиянинг зўри блан ма'қулланган, чунки, армия агар бу модда рад этилса, давлат тўнтариши ясаш блан дўқ қилган.

Футбол бўйича мамлакат биринчилиги учун

19 июньда «Динамо» Марказий стационида футбол бўйича мамлакат биринчилиги учун навбатдаги ўйин ўтказилди. «А» классидаги командалардан Москва торпедочилари блан Харьковдаги «Локомотив» жамиятининг футболчилари учрашдилар. Мусобақа 0:0 ҳисобида дуранг бўлди. (ТАСС).

Гватемаладаги воқиаларга доир

НЬЮ-ЙОРК, 19 июнь. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлиги мухбирининг Тегусигальпадан (Гондурас) хабар қилишича, бугун Гватемала радиоси 18 июньда 12 самолёт Гватемала пойтахтини бомбардировка қилганлигини билдирган. Мухбирнинг айтишича, бошқа икки шаҳарда, я'ни Пуэрто-Барриосда ва Сан-Хоседа бензин омборлари бомбардировка қилинган.

Ассошиэйтед Пресс агентлигининг билдиришича, Пуэрто-Барриос ва Сан-Хоседан ташқари я'ни Мексика чегараси яқинидаги темир йўл узели Реталулеу ва Гондурас чегараси яқинидаги темир йўл маркази Сакапа ҳам даставвал самолётлардан бомбардировка қилинган ва шундан кейин, қуруқликдаги аскарлар бу ерларга атака қилганлар.

ПАРИЖ, 19 июнь. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг хабарига кўра, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг секретари Гватемала ташқи ишлар министрининг Хавфсизлик Кенгаши раиси номига юборган телеграммасини олганлиги бугун ма'лум бўлган.

Гватемала ҳукумати Гватемалага интервенция қилинганлиги муносабати блан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг бу ишга аралашувини сўрайди.

ГВАТЕМАЛА ҲУКУМАТИНИНГ АХБОРОТИ

НЬЮ-ЙОРК, 20 июнь. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлигининг мухбири Гватемала шаҳридан хабар беради: кеча Гватемала ҳукумати ҳарбий операциялар ҳақида биринчи ахборотни э'лон қилди. Бу ахборотда, мамлакатга шарқ томондан бостириб кирган кучлар Гондурас чегарасидан ўнбеш километр ичкари силжидилар, деб хабар қилинади.

Бу агентлик мухбирининг хабар беришича, ташқи ишлар министри Ториэльо Англия ва Франция дипломатик вакиллари ҳозир бўлган ҳолда Қўшма Штатлар элчиси Перифуа блан суҳбат қилган.

ГВАТЕМАЛА РАДИОСИНИНГ ХАБАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 20 июнь. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлиги мухбирининг Тегусигальпадан (Гондурас пойтахти) берган хабарига қараганда, Гватемала радиоси Гватемала президенти Арбенснинг Гватемала армиясига қўмондонлик қилиш вазифасини ўз зиммасига олганлигини хабар қилган.

Радиостанция бостириб кирган қўшинларнинг Мексика чегарасидан 30 миля шарқи-жанубдаги Реталулеу шаҳрини босиб олганликларини ва Пуэрто-Барриос ҳамда Сакапа учун кураш давом этаётганлигини ҳам хабар қилган.

ГВАТЕМАЛА ПРЕЗИДЕНТИ АРБЕНС РАДИО ОРҚАЛИ НУТҚ СЎЗЛАДИ

НЬЮ-ЙОРК, 20 июнь. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлиги Гватемаладан хабар беради. Гватемала президенти Арбенс радио орқали сўзлаган нутқида ишчи ва деҳқонларни «Гватемалани ҳимоя қилмоқ учун босқинчиларга қарши курашга отланишга» чақирди.

Ассошиэйтед Пресс агентлиги мухбирининг хабарига қараганда, Арбенс бостириб кирган қўшинларнинг Гватемала территориясига бирнеча километр ичкари кирганликларини айтган. У Гватемала армиясининг ғалаба қилишига ишонганлигини билдирган. Арбенс босқинчиларнинг Барриос ва Чикамула департаментларига бостириб кирганликларини айтган.

Юнайтед Пресс агентлиги мухбирининг Мексико шаҳридан берган хабарига қарганда, Арбенс ўз нутқида, Қўшма Штатлар, Никарагуа ва Гондурас Гватемалага бостириб кирган қўшинларни қўллаб-қувватлаётирлар, деган. У бундай деган: «Бизнинг жиноятимиз шундан иборатки, биз империалистик кампанияларга қарши қаратилган аграр реформани амалга оширдик. Бизнинг жиноятимиз шундан иборатки, биз ватанпарварлар сифатида мустақилликка интилаётирмиз».

Юнайтед Пресс агентлиги мухбирининг Мексикадан хабар беришича, Арбенс ўз ҳукуматига қарши Америка Қўшма Штатлари ис'ёнга қўзғотганлигини ва Гватемала армияси ғалаба қилажагини айтган, бу блан «халқнинг озодлигига қарши империализм кучлари уюштираётган хавфларга барҳам берилади» деган. У, Қўшма Штатлар юргизаётган, Гондурас блан Никарагуа қўшилган тенденциоз кампанияни қоралаган ва бу кампания халқаро кескинликни кучайтиришга қаратилганлигини айтган. Арбенс бундай деган: «Гватемалалилардан бирортаси ҳам озодликдан маҳрум бўлишни ва демократик режимдан маҳрум бўлишни истамайди. Модомики, босқинчилар бизга қуролли куч блан ҳужум қилган эканлар, биз ҳам уларга қурол ишлатиш йўли блан жавоб берамиз».

Арбенс бундай деган: «ис'ёнчилар 25 июньгача Гватемала шаҳрига ғолибона равишда киришга ва'да берган эканлар, лекин улар 25 июньда ҳам ва ундан кейинги бирор вақтда ҳам ҳечқачон бу ерда бўлаолмайдилар. Халқимиз шуни билмоғи керакки, бизнинг душманларимиз ҳечқачон бир факторни, чунончи: халқни э'тиборга олмадилар. Гватемаланинг ҳамма гражданлари мамлакатни ҳимоя қилишга отланадилар.

Аргентинада гватемала блан бирдамлик ҳаракати

ЛОНДОН, 20 июнь. (ТАСС). Рейтер агентлигининг мухбири хабар беради, Аргентинадаги асосий оппозициячи партия — радикаллар партияси Америка халқларини «Америка Қўшма Штатлари томонидан тиш-тирноғигача қуроллантирилган мамлакатлар қуршови ичида ҳимоясиз қолган» Гватемала халқига ҳайрихоҳлик билдиришга чақирди.

БМТдаги ГВАТЕМАЛА ВАКИЛИНИНГ БАЁНОТИ

НЬЮ-ЙОРК, 20 июнь. (ТАСС). БМТдаги Гватемала вакили Кастильо Арриола Ассошиэйтед Пресс агентлигининг мухбирига қуйидагиларни айтди. Гватемала ташқи ишлар министрининг Хавфсизлик Кенгаши мажлисини чақириш ҳақидаги илтимоси олинганидан кейин Арриола Хавфсизлик Кенгаши раиси АҚШ вакили Лоджга телефон орқали мурожаат қилиб, ундан Кенгашнинг мажлисини 19 июньда ёки 20 июньда чақиришни сўраган. Лодж Кенгаш мажлисини фақат 21 июнь тушдан кейингина чақираолажагини айтган. Гватемала вакили тегишли чоралар эртароқ кўрилишини истаганлиги сабабли яна ҳаракат қилиб кўражагини уқтириб ўтган.

Гватемала вакили мухбирга Хавфсизлик Кенгашининг дархол мажлис қилишини истаганлигини, чунки ҳужумни қайтариш учун Гватемаланинг самолётлари етишмаётганлигини айтган. У «бизда жуда эскириб қолган самолётлар бор, эндиликда бизга ҳозирги замон самолётлари ёрдами блан ҳужум қилинганлиги ма'лум бўлди» деган.

Кастильо Арриола ҳужум қилган томоннинг Р—47 типидаги самолётларэ Қўшма Штатларда ишланганлигини айтган.

Ассошиэйтед Пресс агентлигининг кўрсатиб ўтишича, Хавфсизлик Кенгашини чақириши илтимос қилиб ёзилган мактуб Гватемала шаҳридан 18 июнь кечаси юборилган ва БМТ секретариати томонидан 19 июнь эрталаб олинган.

Корея Халқ-Демократик Республикаси қишлоқ хўжалик ходимлари делегациясининг Узбекистонда бўлишига доир

СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг таклифи блан Совет Иттифоқига келган Корея Халқ-Демократик Республикаси қишлоқ хўжалик ходимлари делегацияси ҳозир Ўзбекистонда меҳмон бўлмоқда. Делегацияга КХДР ер ишлари министрининг ўринбосари Пак Мун Гю раҳбарлик қилмоқда.

21 июньда Халқ Кореясининг вакиллари Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигида қабулда бўлдилар. Меҳмонларни Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари Г. А. Габриэльян қабул қилди. У делегация а'золарига Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг колхоз ишлабчиқаришини ривожлантириш соҳасида эришган муваффақиятлари тўғрисида муфассал гапириб берди, КПСС Марказий Комитети сентябрь ва февраль-март Пленумларининг қарорлари муносабати блан республикада пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада юксалтириш вазифалари ҳақида сўзлади.

Ўша куни Корея Халқ-Демократик Республикаси қишлоқ хўжалик ходимларининг делегацияси Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида ҳам қабулда бўлди. Академия президенти Т. З. Зоҳидов меҳмонларни Ўзбекистондаги илмий-текшириш муассасаларининг ишлари блан таништирди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигида ва республика Фанлар академиясида Халқ Кореясининг вакиллари самимий ва дўстона кутиб олиндилар. (ЎзТАГ).

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 22/VI да **Қутлуғ қон**, 23/VI да **Ҳамза**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/VI да Тошкент давлат консерваториясини 1954 йилда тамомлаб чиқучилар спектакли — **Севилья сартароши.** Спектакль кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА», «ЁШ ГВАРДИЯ», НАВОИЙ номли кеч соат 8 гача, СОБИР РАҲИМОВ номли, «ИСКРА» (кеч соат 8 — 20 минутгача), «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ», ТИКУЧИЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИ — янги рангли бадиий фильм **Мардлик мактаби.**

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ХИВА», «УДАРНИК», ТЕЛЬМАН номли — **Мардлик мактаби.**

«9-НЧИ МАЙ» — **Йўлбарс Акбар.**

ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР КИНОТЕАТРИ — **1/9-нчи кино-тўплам, 2) Самарқанд.**

ПУШКИН номли — **Тайгадаги ҳодиса.**

Конструкторлар кўчаси, 22-нчи уйда туручи **Карим Шониёзовнинг** 1-нчи Май кўчаси, 97-нчи уйда туручи Зинаида Егоровна Шониёзовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район, 3-нчи участка халқ судида кўрилади.

Тошкент область, Янгийўл район, Свердлов қишлоқ советидаги «XIX партс'езд» колхозида туручи **Умри Халитованинг** шу колхозда туручи Раҳмонберди Халитовдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Янгийўл район, 1-нчи участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136, Пропаганда бўлими — 157. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 155, Саноат ва транспорт бўлими — 136, Хатлар бўлими — 132 Секрет